



MILLIY TIKLANISH

34 (251) ● 2013 йил 4 сентябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Халқ депутатлари Қўшқўпир туман Кенгаши сессиясида ЎзМТДП электорати — хунармандлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилди



Мамлакатимизда навқирон авлод вакилларига кўрсатилаётган юксак эътибор туфайли илму фан, санъат билан бирга спортда ҳам улкан ютуқларга эришилмоқда



Муҳташам масканларни бунёд этишда халқимизнинг миллий анъаналари, меъморчилик санъатининг қадимий услублари замонавий архитектуранинг элементлари билан уйғунлаштирилмоқда



2 СИЁСАТ **6 МАЪНАВИЯТ** **8 КЎЗГУ**

Хабарлар

Имтиёз ва саводхонлик

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан "Бандлик масаласи — банклар эътиборида" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.
 Ўтган саккиз ой давомида тижорат банклари томонидан ажратилган сармоялар эвазига 600 мингдан зиёд иш ўрни яратилди. Хусусан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва чорва моллари харид қилишни қўллаб-қувватлаш учун 157 миллиард сўм, боғ-токзорлар барпо этиш ва мавжудларини тиклашга 48 миллиард сўм, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик учун 119 миллиард сўм сармоя ажратилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жойларда учрашув, давра суҳбати ва семинар-тренинглار ташкил этилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ яратилган имтиёзлар кенг тарғиб этилмоқда. Оилавий бюджетни шакллантириш, тадбиркорлик кўникмаларини ҳосил қилиш, ёш оилаларнинг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича маслаҳатлар берилмоқда.

Юксак марралар сари

Наманган шаҳрида "Спорт мактабидан — олимпия уйинларига" мавзусида семинар бўлиб ўтди.
 Таъкидланганидек, бугунги кунда Наманган шаҳридаги 3-болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабида 827 нафар ўғил-қиз бадиий гимнастика, баскетбол, футбол, енгил атлетика, кураш, теннис, сузиш, бокс каби спорт турлари билан мунтазам шугулланмоқда. Жорий йилнинг дастлабки олти ойида мазкур спорт маскани тарбияланувчилари Ўзбекистон чемпионатларида 5 олтин, 9 кумуш, 7 бронза ҳамда жаҳон чемпионатида 1 олтин, 1 кумуш, 1 бронза медални қўлга киритди. Семинар якунида 3-болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг иш тажрибасини вилоятда оммалаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ёшлар анжумани

Юртимизда кечаётган улғувор ўзгаришлар, таълим соҳасидаги янгиликлар ёшларимиз тақдирида, уларнинг ёруғ истиқболга эришиши учун мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.
 Навоий шаҳрида мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида «Ёшлар сиёсати — жамият тараққиёти гарови!» мавзусида ўтказилган ёшлар анжумани ана шу мавзуга қаратилди. Тадбир давомида ёшларнинг истеъдод ва интилушларини рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган давлат стипендиялари ўқувчи-талабаларни нафақат маънавий, балки моддий қўллаб-қувватлашга асос бўлаётганлиги алоҳида эътироф этилди.

Ёшлар қаноти



"Мен нечун севаман, Ўзбекистонни!"

мавзусидаги мақолалар танлови ғолиблари аниқланди

Партия ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларнинг замонавий билим, касб-кор ва мутахассисликларни эгаллашга рағбатлантириш, иқтидорли, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашнинг давлат ҳамда нодавлат тизимларини ривожлантириш, таълим тизимини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг янада такомиллаштирилишига кўмаклашади. Шунингдек, ёш авлодни миллий-маънавий тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратади.

ЎзМТДП сайловолди Платформасидан

3-бет

Муносабат

Ватан тараққиёти ва Юрт равнақи

учун ташаббус кўрсатиш фуқароларимизнинг ҳаётини ширинга айланган

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврини кўз олдимиздан ўтказар эканмиз, шубҳасиз, барча соҳаларда улкан ўзгариш ва янгиликлар юз берганига гувоҳ бўламиз. Айниқса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юксак даражага кўтарилиб, "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, инсон учун" деган принцип ҳаётга татбиқ этилди. Инсон омили ва унинг манфаатлари олий қадриятга айланди.

Муҳтарам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганларидек: "Мустақиллик деганда, унинг маъно-мазмунини биз аввало ҳуқуқ деб қабул қиламиз. Мустақилликка эришиш — бу ўз тақдиримизни қўлимизга олиб, юртимизнинг ер усти ва ер ости бойлиқларига эга бўлиш, биз қандай улғув тарих, маданият ва маънавиятга эга эканлигимизни, ўзлигимизни чуқур англаб, беқиёс салоҳиятимизни ишга солиш, қадриятларимизни, дину диёнатимизни тиклаш каби буюк ва муқаддас бурчимизни амалга оширишдир".

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти юксалиб, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортди. Яъни Ватан, Юрт равнақи учун меҳнат қилиш, та-

шаббус кўрсатиш фуқароларимизнинг ҳаётини ширинга айланди. Мазкур жараёнда сиёсий партиялар, хусусан, "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам фаол иштирок этишга интиломоқда. Жумладан, партия фаоллари ва барча даврадаги депутатлар ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда давлат суверенитетини мустақамлаш, маънавий-миллий қадриятларни тиклаш, миллий мустақиллик ғоясини ривожлантириш каби давлат мустақиллиги йилларида бошланган улғувор ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли давом эттиришга қаратилган ҳаракатларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга кўмаклашмоқда.

2-бет

Дил изҳори

"Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали

халқлар ўртасида дўстлик ришталарини боғлаш, тинчлик ва тотувликни мустақамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда

Истиқлол йилларида мамлакатимизда миллий, маданий меросимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш ва уни келажак авлодларга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Айниқса, мусиқа санъатини ривожлантиришга бўлган эътибор юксак даражага кўтарилди. Давлатимиз раҳбарининг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустақамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори асосида болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолияти такомиллаштирилиб, уларда ёш истеъдод соҳиблари таълим олмақда. Турли кўрик-танлов ва фестиваллар ёш иқтидорларни кашф этиб, улар ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Яқинда оммавий ахборот воситалари

орқали Президент Ислоҳ Каримовнинг "Шарқ тароналари" тўққизинчи халқаро мусиқа фестивалининг очилишига бағишланган тантанали маросимдаги таъриқ сўзини катта ҳаяжон билан кузатдик. Кўҳна ва афсонавий шаҳар Самарқандда ўтказилган дўстлик ва ҳамжихатлик байрами бутун жаҳон ҳамжамияти эътиборини юртимизга қаратди, десак муболаға бўлмайди. Фестивалга магрибу машриқдан ташриф буюрган иштирокчилар, санъат намояндалари, мусиқашунослар, чет эллик журналист ва сайёҳлар ўзбек мумтоз санъатининг жозибдорлиги, унинг миллий қадриятларини ўзида муҳасам этганини эътироф этиш билан

бир қаторда, истиқлол йилларида мамлакатимиз улкан бунёдкорлик майдонида айланганини алоҳида таъкидлашди. Давлатимиз раҳбарининг таъриқ сўзида "Бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ва ўта мураккаб бир замонда халқларни бир-бирига ўзаро яқинлаштириш, муштарак илдишларни бир-бирига пайванд этишда, минтақа ва бутун дунёда тинчлик ва осойишталикни мустақамлаш йўлида мусиқа санъатининг беқиёс кучи ва таъсирини намоян этишда "Шарқ тароналари" каби фестивалларнинг аҳамиятини ўлчаш ва қийинлаш қийин, десам, ҳақиқатни айтган бўламан", деган фикрларининг долзарблигини бугун ҳар биримиз яхши англаб турибмиз.

2-бет

Ҳуқуқий эксперимент

Бухорода Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик Палатасидаги фракцияси ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамкорлигида "Давлат ҳокимияти органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати — жамиятни демократлаштиришнинг муҳим шартини" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Қонун нормалари СИНОВИ


жамиятни демократлаштиришнинг муҳим шартини

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзМТДП фаоллари, халқ депутатлари Бухоро вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашиларидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

5-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Муносабат

Ватан тараққиёти ва Юрт равнақи

учун ташаббус кўрсатиш фуқароларимизнинг ҳаётий шиорига айланган

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ватанимиз демократик йўлдан ривожланиб бораётган экан, ижтимоий ва маънавий ҳаётимиз умуминсоний ҳамда миллий қадриятлар муштараклигига асосланишни миллий манфаатларимизга жавоб берадиган энг мақбул йўл деб ҳисоблаймиз. Худ-

ди ана шу сиёсий йўл ва маслакни қўллаб-қувватлайдиган, миллий манфаатларимиз ва қадриятларимиз учун курашадиган фуқаролар партияимиз ижтимоий қатлами ташкил қилади. Айтиш жоизки, мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва кенг тарғиб қилиш, шу орқали миллий

* * *

Мамлакатимиз бўйлаб мустақиллигимизнинг йиғирма икки йиллик тантаналари давом этмоқда. Эътироф этиш жоизки, тарихан қисқа даврда Ўзбекистон тенглар ичида — тенг, фуқароларимиз эса ҳеч қандай кам бўлмаган халқ — миллатга айланди. Бунинг замирида улкан бунёдкорлик, мардлик, жасорат эвазига эришилган иқтисодий ютуқлар, жумладан, яқин ўтмишда мутлақо ҳаёлий бўлиб туюлган улғувор ишлар ётади, десак муболага бўлмайди. Юртбошимиз мустақиллигимизнинг йиғирма икки йиллигига бағишланган байрам таърифида "Эл-юртимиз қандай катта ютуқ ва марраларга эришганининг тасдиғини аниқлаш учун охириги йиллар давомида биз қўлга киритган натижаларни, Ватанимизнинг бугунги салоҳияти ва ўсиш суръатларини ўзида яққол ифода этадиган кўрсаткичларга эътибор қара-

тишни ўринли деб биланам. Бугунги кунда 2000 йилга нисбатан мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 3,1 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,6 карра ўсгани, экспорт ҳажми 4,4 баробар, номинал иш ҳақи солиштирма нархларда 22 марта, пенсияларнинг ўртача миқдори 12,7 баробар ошгани, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромад эса 8,4 баробар кўпайгани охириги олти йил давомида иқтисодиётимизнинг ўсиши 8 фоиздан ошиб келаётгани — буларнинг барчаси дунё миқёсида камдан-кам учраётган рақамлар, деса-сам, айни ҳақиқатни айтган бўлсак, деб таъкидладилар.

Дарҳақиқат, вақт ўтиши билан мамлакатимиз танлаган демократик ислохотлар йўли — дунёда "Ўзбек модели" деб эътироф этилган тараққиёт стратегияси нақадар тўғри экани ўз исботини топмоқда. Буни истиқлол йилла-

* * *

одат ва қадриятлар, аждодларнинг буюк меросини илм-фан, бунёдкорлик ишларида тўла намоеён қила оладиган демократик жаҳият таянчи, порлоқ келажак асосидир. Шу нуқтаи назардан соҳанинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Ёш авлод эса яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиб, юксак муваффақиятларга эришмоқда.

Дарҳақиқат, мафзуравий курашлар кучайган бугунги кунда ёшлар онги ва маънавиятига бўладиган турли кўринишдаги хужурлар ҳам кучайиб бормоқда. Мазкур жараёнда мамлакатимизда ёш авлоднинг ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларни замонавий билим, касб-хунар ва мутахассисликларни эгаллашга рағбатлантириш, иқтидорли, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашнинг давлат ҳамда нодавлат тизимларини ривожлантиришга кўмаклашишни ўзининг устувор вазифаси сифатида белгиланган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаоллари зим-

ўзликини англаш тушунчасини ҳар бир фуқаро онгида шакллантиришга қаратилган амалий ишлар кўламини кенгайтириш партияимиз фаоллари, парламентдаги фракцияимиз депутатларидан ишга янгича ёндашув ва ташаббускорликни талаб этади.

Олтиной ЭСАНОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

нинг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган яхлит иқтисодий стратегия сифатида қаради. Партия табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ривожланган бозор инфратузилмасини шакллантириш, эркин тадбиркорлик ва ишбилармон кишиларнинг салоҳиятини юзага чиқаришга кенг имкониятлар яратиш, давлатни иқтисодий ривожлантириш ва унинг иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашга кўмаклашади.

ЎзМТДП бундан кейин ҳам мамлакатимиз иқтисодиётида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қаратилган ташаббусларда фаол иштирок этади.

Насиба ҚОРАБОЕВА, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат

масига алоҳида масъулият юкланади. Бу борада аниқ мақсадга қаратилган қатор ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий лойиҳаларнинг амалга оширилаётгани ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз.

Мухтасар айтганда, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёш авлоднинг миллий маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялашга кўмаклашиш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш олдимида турган долзарб вазифалардан саналади. Зеро, уларнинг онгу шуури, тафаккури ва маънавиятини тўғри шакллантириш ва шу асосда тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим ва долзарбдир.

Акмал АБДУЛЛАЕВ, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси давониси бosh мутахассиси

Мамлакат тақдирини ва келажакини белгилайдиган асосий куч бугунги кунда завқ-шавқ билан билим олаётган, меҳнат қилаётган ёш авлоддир. Президентимиз байрам табригида ёшларга қарата "Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб ўтирган, сунъимиз ва таянчимиз бўлиши ўғил-қизларимизга, менинг фарзандларимга қарата айтмоқчиман: биз ўз олдими-га қўйган келажак буюк давлат қуришдек олижаноб мақсадга етиш йўлида мен сизлар каби мард ва шижоатли ёшларимизга, илму фан чўққиларини эгаллашга бел боғлаган, қийинчилик ва синовлар олдида беш эғмаййдиган, бугун ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб майдонга чиқаётган соғлом ва баркамол авлодими-га ишонман", дедилар.

Эътироф этиш жоизки, мустақилликнинг дастлабки кунларидан ёшлар тарбияси жаҳият олдида турган устувор вазифалардан бири сифатида белгиланади. Зеро, баркамол авлод мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини таъминловчи, миллий урф-

Дил ихзори

"Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали

халқаро ўртасида дўстлик ришталарини боғлаш, тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дарҳақиқат, санъат шундай сеҳрли кучки, ҳеч қандай таржимонсиз дилларни дилларга, элларни элларга боғлайди. Санъат воситасида бутун дунё халқлари

бирлашади, тиллашади, мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини боғлайди. Ўз бағрида турли миллат ва элат вакилларини жамлаган "Шарқ тароналари" ўзбек санъатини дунёга намоеён этиши билан бир қаторда минтақада тинч-

* * *

қилмоқда. 27 август куни Самарқанд шаҳрида бошланган мазкур санъат ва дўстлик фестивали миллионлаб санъат ихлосмандлари эътиборини ўзида жамлади. Дунёнинг 52 мамлакатдан ташриф буюрган санъат намоеъндлари ижросидаги миллий мумтоз куй-қўшиқлар муҳташам Регистон майдонига йиғилганларга байрамона руҳ бағишлади. Давлатимиз раҳбарининг фестивалнинг очилиш маросимидаги табриги нафақат ҳамюртларимиз, балки сунъий йўлдош орқали байрамни қузатаётган қўллаб-қувватловчиларнинг ҳам эътиборидан четда қолмади, десак хато бўлмайди.

Президентимиз табригида таъкидланганидек: "Айнан Самарқанд заминидан бойдоранга кўйилган "Шарқ тароналари" фестивалининг ўз олдига қўйган ғоя ва мақсадларини қисқача ифода қиладиган бўлсак, улар авваламбор мусиқа санъатини улуғлашга, унинг одамларга бўлган таъсирини ошириш, эзгу орзу-умидларини мусиқа орқали тараннум этишга ва шу асосда дунёдаги турли миллат ва элатларнинг вакилларини ҳеч

* * *

қизиқуши ортиб бормоқда. Меҳмондўст Самарқандга ташриф буюрган меҳмонларнинг ҳис-ҳаёжонини, шаҳар сеҳри ва тароватидан олган таассуротларини оммавий ахборот воситаларида кўриб, эшитиб, шундай юрда яшаётганимизга шукронна келтирдик. Давлатимиз раҳбарининг фестивал иштирокчиларини қутлаб айтган Самарқанд ҳақидаги фикрлари ҳар биримизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотди. "Бугун биз "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалини юртимизда тўққизинчи бор ўтказмоқдамиз. Ҳар сафар навбатдаги фестивални ўтказар эканмиз, мазкур анжуманни дунёнинг энг кўхна шаҳарларидан бири Самарқандда ўтка-

риш ва осойишталикни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО шафелигида ўтказилаётган мазкур фес-

тивал санъат воситасида халқлар орасида мустаҳкам ришталарни боғлашда давом этиши шубҳасиз.

Абдуғафур МАМАТОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

қандай таржимонсиз бир-бирига боғлаш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга қаратилган аниқ мақсадга эътиборлидир".

Таъкидлаш жоизки, ЎзМТДП сайловолди Платформасида халқимизнинг бой ва бетакрор маданий, маънавий, ахлоқий ҳамда миллий анъаналарига таянган ҳолда кўп асрлик анъана ва урф-одатларини сақлаб қолиш, шунингдек, мамлакатимиз ижобий имиджини шакллантириш, унинг ноёб маънавий бойлиги ва халқимиз тарихий меросини тарғиб қилишнинг усули сифатида туризмни ривожлантиришга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Ҳеч шубҳасиз, айтиш мумкинки, ушбу фестивал миллий мусиқа санъатимиз билан бир қаторда, мамлакатимиз тараққиёти ва сайёҳлик салоҳиятини бутун дунёга намоеён этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Манзура САЙДАҲМЕДОВА, халқ депутатлари Қоровулбозор туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат

олиб борилган кенг кўламли бунёдкорлик ва янгиланиш ишларига партияимизнинг ҳар бир фаоли муносиб хисса қўшишга интилоқмоқда. Ташкил этаётган ҳар бир тарғибот тадбирларида ёшларни деб ном олган, дунёда кам учрайдиган бу муҳташам сахна, ҳеч шубҳасиз, миллий мумтоз тароватларга янгича, бетакрор гўзал-за ва нафосат бахш этади, минг-миглаб санъат муҳлислари хотирасида ўчмас из қолдиради".

Дарҳақиқат, асрлар давомида маданият марказларидан бири бўлиб келган кўхна Самарқанд бугун дунё ахлини ўзига ром этмоқда. Мустақиллигимизнинг 22 йиллик тантаналари ва фестивал муносабати билан шаҳарда

Раҳим НАИМОВ, ЎзМТДП Самарқанд туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси

Ташаббус ва натижа



Ў.Ҳ.Ҳ. олеан сурат.

Миллий хунармандчилик

халқ депутатлари Қўшқўпир туман Кенгаши сессияси партия электорати — хунармандлар фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида халқ хунармандчилигига хос бўлган "устоз-шоғирд" анъанавий мураббийлик институтини сақлаш ҳолда соҳани янада ривожлантириш учун шароитлар яратишга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Ушбу дастурий вазифаларни муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқ депутатлари Қўшқўпир туман Кенгаши сессиясига ЎзМТДП депутатлик гуруҳи томонидан "Туманда миллий хунармандчиликни ривожлантириш, унинг истиқболлари ва соҳада юзага келган муаммолар ечимини топиш чора-тадбирлари тўғрисида" ташаббус-масала киритилди. Сессияда партиядан сайланган депутатлар, соҳа мутахассислари мазкур масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Хунармандчилик азалдан халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган қадриятларимиздан саналади, — деди ЎзМТДП Қўшқўпир туман Кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Умид Исмоилов. — Истиқлол йилларида ота-боболаримиздан мерос мазкур соҳани янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, уста-хунармандларга кенг шароит яратилиб, "устоз-шоғирд" анъаналари давом эттирилмоқда. Ўрганишларимиз натижаси шуни кўрсатдики, Қўшқўпир туманида хунармандчиликни ривожлантириш бўйича бир қатор ижобий саъй-ҳаракатлар амалга оширилган баробарида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилган.

Туманда "Хунарманд" уюшмаси бир неча йилдан буён фаолият юритаётган бўлса-да, унинг аъзолари сони 34 нафарни ташкил қилади, холос. Жумладан, уларнинг 32 нафари хунарманд, 2 нафари касаначилик йўналишида фаолият кўрсатиб келмоқда. Таъкидлаш жоизки, туманнинг ШИХ, Оқдарбанд, Кенгага, Ўзбекёп, Хадра қишлоқларида хунармандчиликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмас. Туман Кенгаши сессияси қарорига ҳудудда ноқонуний равишда фаолият кўрсатаётган

қадриятларимиз давомчиларини хунарманд уюшмасига аъзо қилиб, фаолиятини кенгайтириш, давлат томонидан яратилаётган имкониятлардан хабардор қилиш, кам физик кредитлар олишига кўмаклашиш юзасидан қатор вазифалар белгиланди. Бу вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида янги ишчи ўринларини яратиш, миллий хунармандчиликни авлодларимизга мерос қилиб қолдириш асосий мақсадимиздир, — деди нотиқ.

Дарҳақиқат, халқ депутатлари Қўшқўпир туман Кенгаши сессиясига ЎзМТДП депутатлик гуруҳининг ушбу ташаббуси қўллаб-қувватланиб, "Туманда миллий хунармандчиликни ривожлантириш, унинг истиқболлари ва уларни ривожлантиришга юзага келган муаммолар ечимини топиш чора-тадбирлари ҳақида"ги масала тўғрисида қарор қабул қилинди. Унга мувофиқ, «Хунарманд» уюшмаси туман бўлими 2013 йилнинг иккинчи ярим йиллигида хунармандчиликни ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурининг бажарилишини таъминлаш кўзда тутилган. Халқ депутатлари туман Кенгаши доимий комиссиялари ва фуқаролар йиғинлари раислари ҳудудларда миллий хунармандчиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларни таъминлаш кўзда тутилган. Халқ депутатлари туман Кенгаши доимий комиссиялари ва фуқаролар йиғинлари раислари ҳудудларда миллий хунармандчиликни ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурининг бажарилишини таъминлаш кўзда тутилган. Халқ депутатлари туман Кенгаши доимий комиссиялари ва фуқаролар йиғинлари раислари ҳудудларда миллий хунармандчиликни ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурининг бажарилишини таъминлаш кўзда тутилган. Халқ депутатлари туман Кенгаши доимий комиссиялари ва фуқаролар йиғинлари раислари ҳудудларда миллий хунармандчиликни ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурининг бажарилишини таъминлаш кўзда тутилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугун мамлакатимизда миллий хунармандчиликни ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратилган. Қадриятларимиз давомчиларининг дунё бозорларидаги миллий хунармандчилик маҳсулотларини олиб чиқиш, ўз меҳнат маҳсуллари орқали оила-лар, маҳалладошлари, боринг-ки, халқимиз ҳаётини фаровонлаштиришда Президентимизнинг "Халқ бадиий хунармандчиликлари ва амалий санъатни янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Шоҳида ДАМАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Тадбир

АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

"Шаҳидлар хотираси" майдони ёш ва кекса авлод вакилларини ўз бағрига жамлади

ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши, "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи ва "Шаҳидлар хотираси" жамоатчилик фонди ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида 31-август — Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"ги Фармонига асосан, юртимизда 31-август — Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида. Шундан буён бу кун ҳақиқий маънода инсон қадри, хотирасига нисбатан адолатни тиклаган тарихий санага айланди. Хотира ва қадрлаш — инсон ақл-заковатининг бетакрор маънавий неъматини, тирликнинг азалий мезонини сифатида тан олинди. Бу мезоннинг ЎзМТДП ғоялари билан муштараклиги ҳар бир партия аъзосини хотиранинг умрбоқийлиги ва халқимиз ҳаётини янада чуқурроқ қўли олишини таъминлашга ҳисса қўшишга ундади шубҳасиз.

Шоҳида МИРЗАЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Йиғилишни ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Рустам Қосимов кириш сўзи билан очиб, истиқлол шарофати билан ҳўм сурётган тинч ва осойишта ҳаётимиз, фаровон турмушимиз ортида не-не машаққатлар, қўллаб-қувватлашимизнинг заҳматли меҳнати ётганини эътироф этди. Нотиқ, шунингдек, халқимизнинг илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ва истиқлол шарофати билан эришилган ютуқларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшлар онгида мамлакатимиздаги тинчлик, осойишталикнинг қадрига етиш, асраб-авайлаш, ота-бобола-

Ёшлар қаноти

“Мен нечун севаман, Ўзбекистонни!”

мавзусидаги мақолалар танлови голиблари аниқланди



Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Шуҳрат Дехъонов “Мустиқиллик, тарих ҳақиқатлари: Ўзбекистон кеча ва бугун” мавзусида маъруза қилди. Нотиқ ўз сўзида истиқлол йилларида халқимизнинг миллий қадрият, урф-одат ва аъёнларини тиклаш борасида амалга оширилаётган изчил ишларга аъъдорлик, шунигиндек, мазкур жараёнда ЎзМТДП ҳам дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одат ва аъёнларини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитишга кўмаклашиш борасида амалий саъй-ҳаракатлар олиб

бораётганини таъкидлади.

Давра суҳбати давомида ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси томонидан эълон қилинган “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустиқил Ўзбекистон!” шiori остида “Мен нечун севаман, Ўзбекистонни!” мавзусидаги мақолалар танлови голиблари таъкидланди. Шунингдек, партияга аъъо бўлиш истагини билдирган бир гуруҳ ёшларга аъъолик гувоҳномалари топширилди.

Таъкидланганидек, танловда 300 нафардан ортиқ ЎзМТДП аъъолари ўз ижодий ишлари билан иштирок этди. Таъқдим этилган мақолаларнинг барчаси мустиқил тараққиёт йилларида мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва маданий жабҳаларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳамда мустиқиллик одимлари тарғиботига бағишланган.

Тадбир сўнггида мақолалар танлови голиблари эълон қилинган ҳамда уларга ЎзМТДП Марказий Кенгашининг совғалари топширилди.

Сўз — танлов голибларига:

Шаҳбоз НИЗАМУДДИНОВ, ЎзМТДП Тошкент вилояти Кенгаши “Ёшлар қаноти” фаоли:

— Ўзбекистон ўз мустиқиллигини кўлга киритгандан бошлаб жамиятимизнинг барча соҳалари қатори маънавий ҳаётимизда ҳам улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. Истиқлол йилларида биз ёшларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишимиз учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилди.

Таъқидлаш жоизки, юртимизда маданий бойликлар, кўҳна тарихий обидаларни тиклаш, асраб-авайлаш, ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш борасидаги ишларда ЎзМТДП “Ёшлар қаноти” ҳам фаол иштирок этишга интиломоқда. Мазкур танлов ҳам ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Муҳтарам КОМИЛОВА, ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши “Ёшлар қаноти” фаоли, “Milliy tiklanish” газетаси мухбири:

— Ушбу танловда иштирок этганлар юртимизнинг мустиқиллик шарофати билан эришаётган ютуқлари, бугуни ва эртаси, ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар, ҳар бир соҳада олиб борилаётган ишлар ривожини ўз мақолаларида акс эттирган. Қолаверса, мақолаларда мустиқиллик орқалигина шахс ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва гурурини англаши, истиқлол юртимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омилли экани кенг очиб берилган.

Мен ҳам ушбу танловда иштирок этиб, 2-ўринга лойиқ топилдим. Уйлайманки, бу эътироф келгусида ЎзМТДП “Ёшлар қаноти” фаолига оид мақолаларни оммавий ахборот воситалари, хусусан, “Миллий тикланиш” газетасида кенг ёритиб боришда янада масъулият билан ёндашишга туртки бўлади.

Ўз мухбиримиз

га эга бўлган фаол, ташаббускор хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва сиёсий ташаббусларини кўллаб-қувватлаш мақсадида “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўриқ-танлови, “Ўзбекистон — умумий уйимиз” шiori остидаги “Алла” фестивали, хотин-қизларнинг бандлик масаласини ҳал қилишга кўмаклашиш, истеъдод эгалари, фаол хотин-қизларни кўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантиришга қаратилган “Мустиқиллик — олий саодат” шiori остида хотин-қизлар форуми, шунингдек, “Хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрни: қонуний қафолатлар ва уларнинг амалиётда қўлланилиши”, “Аёл ва ҳуқуқ” “Аёл ва сиёсат”, “Хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтиришда партияларнинг ўрни” мавзусида илмий-амалий семинар ва конференциялар хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўрни келганда айтиш жоизки, бугун партияимиз аъъоларининг 47,1 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Тарғибот тадбирларидаги кузатувларимиз шуни кўрсатадики, ўтган йиллар билан солиштирганда тадбирлар иштирокчилари ва хайрихоҳлар сони сезиларли даражада ошган. Бу эса мамлакатимиз хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий жараёнларга тобора чуқурроқ кириб бораётганидан, сиёсий-ҳуқуқий билимлари янада юксалётганидан далолат. ЎзМТДП Дастурида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда хотин-қизлар сиёсий-ижтимоий ва ҳуқуқий билимлари ҳамда фаоллигини оширишга қаратилган бир қанча лойиҳалар режалаштирилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўзбек хотин-қизлари табиатида хос бўлган меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ватанпарварлик хислатлари уларнинг ҳам жамият, ҳам оиладаги мавқеи юксалишига сабаб бўлди. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ишларнинг натижасида аёллар манфаатларининг рўёбга чиқиши ва намоеъ бўлиши учун яратилган янги имкониятлар уларни жамиятдаги мавқеининг янада ошишига пойдевор бўлмоқда.

Махсуда ПОЯНОВА,
ЎзМТДП Марказий Кенгаши
Ижроия Кўмитаси девони
етакчи мутахассиси

Хроника

Партиявий Ғоя ва вазифалар

тарғибот тадбирлари орқали амалга оширилмоқда

НАВОИЙ

ЎзМТДП Хатирчи туман Кенгаши ҳамда туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида “Мустиқиллик йили” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия туман Кенгаши фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, худуддаги оилавий тадбиркорлик ва касаначилик билан шуғулланаётган аёллар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган партия туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раис ўринбосари А.Искандаров мамлакатимизда оила институтини ҳар томонлама мустиқиллаш, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан амалга оширилаётган ишларга ҳақида гапириб, жумладан, шундай деди:

— Оила — миллий қадриятлар ва тарбия маскани ҳисобланади. Унинг мустиқиллигида хотин-қизларнинг ўрни беқиёс. Бугунги глобаллашув жараёнида оила қадриятларини янада мустиқиллаш, фуқаролар онгу шуғурида миллий урф-одат ва аъёнларнинг мустиқил қарор топишига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Айтиш жоизки, партия сайловолди Платформасида аёлларнинг жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокчи ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу борада биринчи қалдаги вазифамиз аёллар маънавий дунёқарашини кенгайтириш ва унинг асосида ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилган тарғибот тадбирларини кучайтиришимиз лозим.

Таъқидланганидек, фарзандларимиз онгини турли ёт мафкуралар ёхуд “оммавий маданият” ниқоби остида кириб келаётган турли ахборот таҳдидларидан асраш ҳар бир оиланинг, онанинг вазифасидир. Бунинг учун аёллар нафақат ҳуқуқий билимларини, балки сиёсий, маънавий дунёқарашини ҳам бойитиб бориши даркор.

СИРДАРЁ

Мамлакатимиз истиқлолга эришган илк кунлардан миллий қадриятларни асраб - авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур жараёнда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси худудий ташкилотлари томонидан партия сайловолди Платформасида оила институтини борасида белгиланган вазифаларни ҳаётга таъбиқ этиш мақсадида турли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориломоқда.

ЎзМТДП Сардоба туман Кенгаши ташаббуси билан “Обод турмуш йили” Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда “Оила мустиқиллиги — турмуш барқарорлиги” мавзусида тадбир ўтказилди.

— Истиқлолнинг илк кунларидан давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида оиланинг жамиятдаги тугган ўрнини янада ошириш, уни ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий, ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тиббий маданиятни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган партия туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари М.Аматов. — Оила — муқаддас кўрган. Унда соғлом муҳитни қарор топтириш, аёллар маънавий маданиятини юксалтириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади. Албатта, ҳар бир инсон ўз оиласининг фойдали, фаровон ва мустиқил бўлишини истади. Оила инсоннинг дунёқарашини, тасаввур ва тушунчаларини, фазилатларини шакллантиради, жисмоний ва маънавий камолотида муҳим ўрин тутади.

Тадбирда иштирок этган партия туман Кенгаши фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғини вакиллари мавзу юзасидан худудда олиб борилаётган амалий ишлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

ЖИЗЗАХ

ЎзМТДП Зомин туман Кенгаши томонидан “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши аъъолари, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, оилавий унарманд, тадбиркорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатини кириш сўзи билан очган партия туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ахборотнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, саводхонлигини ошириш борасида партия томонидан олиб борилаётган ташкилий-амалий ишлар хусусида сўз олиб, жумладан, шундай деди:

— Жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида рўй бераётган янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнида фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш партияимиз олдида турган устувор вазифалардан саналади. Юксак ҳуқуқий маданиятни чуқур англаб етмасдан сиёсий маданиятни тушуниб бўлмайди. Шу боис партия туман Кенгаши томонидан ҳуқуқий маданиятни умумиллий маданиятнинг ажралмас ва ўзига хос қисми деб билиб, уни тарғиб-ташвиқ қилишга қаратилган қатор тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

Тадбир сўнггида касаначилик билан шуғулланаётган оила-лар мутахассисларга ўз фаолияти юзасидан саволлар билан мурожаат қилдилар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ЎзМТДП Тошкент шаҳар “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партиянинг жорий йил биринчи ярим йиллиги фаолияти якунлари ва иккинчи ярим йилликдаги фаолиятнинг асосий йўналишлари ҳамда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган партия “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Д.Бекбўтаев партия фаолиятини янада кучайтириш, электрот қанфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

— Бошланғич партия ташкилотлари партияимизнинг энг муҳим бўғини ҳисобланади, - деди тадбирда сўзга чиққан партия “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари К.Тошпўлатова. — Айни пайтда партия ташкилотимиз қошида 500 нафар партия аъъосини бирлаштирган 18 та кўйи бугун фаолият юритмоқда. Партияимиз дастурий мақсад ва вазифаларини кенг омма ўртасида тарғиб-ташвиқ қилишда, аъъолар ва хайрихоҳларимиз сафининг кенгайтириш тадбирлар муҳим аҳамиятга эгаллигини инобатга олиб, келгуси фаолиятимизда ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Тадбир сўнггида партия фаолларининг жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги фаолияти якунлари юзасидан ҳисоботлари тингланди ҳамда иккинчи ярим йилликдаги фаолиятнинг асосий йўналишлари тўғрисида аниқ мақсад ва вазифалар белгилан олинди.

Тўмарис АбъЗАМ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Тарғибот

Шифокорлар партияга қабул қилинди

Ўзбекистон Республикаси мустиқиллигининг 22 йиллиги жойларда қатна тантана билан нишонланмоқда. Партия Тошкент вилоят Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган “Мен нечун севаман, Ўзбекистонни!” мавзусидаги тадбир ҳам ана шундай мақсадда ташкил этилди.

Унда ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъъолари, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатлари, партия Тошкент вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ходимлари, 1-сон сил касалликларни сийҳатгоҳи ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни сийҳатгоҳ бош шифокори Нигора Абидова кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларни энг улуг, энг азиз айём — мустиқиллигининг 22 йиллиги билан кутлади.

ЎзМТДП фракцияси аъъоси Мавлуда Алимова “Мустиқиллик ва хотин-қизлар” мавзусида маъруза қилиб, жумладан, шундай деди:

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда улкан бунёдкорлик ишлари, кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мустиқиллик мамлакатимизнинг асосий қадриятлари, фуқароларимизнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш борасида. Бугун юртимизнинг ҳар бир фуқароси давлат ва жамият ишларида фаол иштирок этишга интиломоқда. Айниқса, хотин-қизлар масаласида давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаяпти. Бунинг хотин-қизларга оид қабул қилинаётган меъриий-ҳуқуқий ҳужжатлар мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Буларнинг барчаси мустиқиллик берган тенгсиз имкониятлар самарасидир, - деди нотиқ.

Дарҳақиқат, мустиқиллик халқимизнинг гурури ва ифтихоридир. Халқимиз бугун мустиқиллик не не синов ва машаққатлар ҳисобига келганини англаган ҳолда, юртимизда ҳукм сураётган оғирлик ва дорилломон кунларнинг қадрига етиб, ёрқин келажак сари илдам қадам ташламоқда. Президентимиз томонидан илгари сурилган “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустиқил Ўзбекистон!” шiori остида ўтказилаётган ана шундай тадбирлар, шубҳасиз, фуқаролар қалбида бугунги фаровон ҳаётимизга шукроналик, эртанги кунга ишонч ва юрт тақдирига жавобгарлик ҳиссини тарбиялашга хизмат қилади.

Байрам тадбири Ватанин мадҳ этувчи куй-қўшиқларга уланиб кетди. Тадбир давомида бир гуруҳ шифокорларга партия аъъолик гувоҳномалари топширилди.

Шаҳзод ҒАФҒОРОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Аёллар қаноти

Аёл деганда, кўз ўнгимизда, аввало, барчамизни ўз бағрида асраб-авайлаб вояга етказадиган, бутун ҳаётини фарзандига бахшида этадиган дунёдаги энг муқаддас зот — Она сиймоси намоеъ бўлади. Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов хотин-қизларимизга, оналаримизга ана шундай таъриф берадилар ва уларни юксаларга кўтариб улуғлайдилар. Дарҳақиқат, ушбу таъриф замирида кечалари ала айтиб бедор ўтган туялар, фарзанди беморлигида роҳатидан воз кечган лаҳзалар, боласининг жамиятда ўз ўрнига эа бўлиши-ю, қимликка етишиши учун қилинган тинимсиз ҳаракатлар, ҳаяжонли дақиқалар, оилага, фарзандларга бўлган вафо-садоқат етади.

ЎЗБЕК АЁЛИ

эътибор ва эъзозда

Ўзбек миллати қадим-қадим замонлардан буён аёлга ва оналарга юксак эҳтиром билан муносабатда бўлганки, бу аъёна ҳозиргача давом этиб келмоқда. Бу борада Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор давлат сиёсати даражасида қўрилган. Бугунги ўзбек аёли депутат, раҳбар, тадбиркор, ижодкор, бунёдкор...

Ўтмишдан яхши биламизки, ўзбекнинг етук маънавияти, оқила, доно ва ташаббускор аёллари дунё эътирофига сазовор бўлишган. Уларга бағишланиб бетақдор асарлар яратилган. Бу тарихий сиймоларнинг номлари ҳали-ҳануз тиллардан тушмайди. Тўмарис, Барчиной, Бибиноним, Гавҳаршодбегим, Нодирабегим, Увайсий, Зебунисо каби аёллар юксак салоҳият соҳибаси, миллат қаҳрамони, чексиз садоқат эгаси, деган номларга мушарраф бўлганлар.

XX асрнинг ўрталарида яшаб ижод қилган Зулфия севи ва вафо куйчиси сифатида эътироф этилади. Ҳам оила,

ҳам жамият ишларида фаол иштирок этиб, баркамол фарзандларни вояга етказган Зулфияноним бугун ҳар бир ўзбек аёли учун жасорат тимсолига айланган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат муқофотининг таъсис этилиши, пойтахтимизда шоира хотирасига ҳайкал ўрнатилиши халқимизнинг шоирага бўлган меҳри ва ҳурматидан далолатдир.

Таъқидлаш жоизки, ЎзМТДП сайловолди Платформасида партия хотин-қизларнинг жамиятини модернизация қилиш ва янгиллаш, маънавий қадриятларни, халқ аъёнларини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнида тўлақонли ва фаол иштирок этишини таъминлаш йўлида изчил фаолият олиб бориши алоҳида таъқидланган. Партия “Аёллар қаноти” томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий билимларини ошириш, маънавий салоҳиятини юксалтириш, ўзини ўзи англаш туйғусини мустиқиллаш, ижтимоий мавқенин кўтариш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тарғиб қилиш, ёш қизларнинг миллий аъёнлар ва маънавий қадриятларга асосланган оилавий ҳаётга, баркамол оналикка тайёрлашга кўмаклашиш борасида муайян саъй-ҳаракатлар олиб бориломоқда. Бу борада партиянинг қатор лойиҳалари, тадбир, конференция, давра суҳбатлари, кўрик-танловлар, ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.

Партия Дастурида назарда тутилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда юксак билим ва салоҳият-

Конун лойиҳасига шарҳ

“Халқаро ҳамжамият ва тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, бузун униб-ўсиб келаётган фарзандларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун улғу, керак бўлса муқаддас иш деб билади”.

Ислом КАРИМОВ

Болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш

Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишларидан бири

Ота-боболаримиз қадимдан фарзанд тарбиясига ниҳоятда жиддий эътибор қаратганлар. Халқимиз орасида ҳозиргача мурғак чақалоқнинг ўзини қирқ кун хонада ёки бешикда ҳеч қачон ёлғиз ва қаровсиз қолдирмаслик керак деган тушунча яшаб келмоқда. Ота-боболаримиз фарзанд туғилганида унга яхши ном қўйиши, яхши муаллим қўлига бериб, хат-саводини чиқариш, касб-ҳунар ўргатиб, мустақил ҳаётга тайёрлаш, балоғатга етган чоғи уйли-жойли қилишни ўзининг бурч ва вазифаларидан деб билишган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг, Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг ана шундай аъёнларини давом эттирган ҳолда болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида бир қатор қонунлар амалга киритилди, халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон қўшлани “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция, Халқаро меҳнат ташкилотининг ишга кириш учун энг кичик ёш ва болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларида барҳам беришга бағишланган № 138 ва № 182 конвенциялари, Одам савдоси тўғрисидаги Палермо Протоколи, Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив протокол (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) ҳамда Болаларнинг қуроли мазжароларда иштирокига тааллуқли факультатив протокол (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) ана шулар жумласидандир.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Дастурида халқимизнинг тарихий, маданий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ёшларни миллий аъёнлар, урф-одатларга нисбатан ҳурмат ва шу йўл орқали уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиш сингари муҳим вазифалар белгиланган. Партия ёшларни ҳамisha ўзининг ижтимоий соҳадаги сиёсати марказига қўяди. Партия ёшлар салоҳиятини Ватанга хизмат қилишга йўналтиришни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб билади ва шу шундай масалаларга қаратилган қонун лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳам болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Гап мазкур қонун лойиҳаси ҳақида борар экан, дастлаб, васийлик ва ҳомийлик институти тушунчаларига аниқлик киритиш лозим бўлади. 2008 йил 7 январь куни Президентимиз томонидан имзоланган ва расмий кучга кирган “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг “Асосий тушунчалар” деб номланган 3-моддасида уларга қуйидагича таъриф берилган: **васийлик ва ҳомийлик** - ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар таъминоти, тарбия ҳамда таълим бериш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли. Васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган, ҳомийлик эса ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшга бўлган болаларга нисбатан белгиланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган воёга етмаганларни жойлаштиришнинг тўртта шакли - фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик, оилага тарбияга олиш (патронат), воёга етган муомаллага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ҳамда муомаллага лаёқатли, соғлиги туфайли ҳомийликка муҳтож шахсларни жойлаштиришнинг иккита шакли мавжуд. Васийлик ва ҳомийликка муҳтож воёга етган шахсларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тасарруфидаги давлат муассасаларига топшириш белгиланган. Айни пайтда васийлик ва ҳомийлик билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролари ва Оила Кодекси, Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги Низом (Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган) ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бироқ улар

нинг бирортасида ҳам васийлик ва ҳомийлик органи ҳақида аниқ тушунча берилмаган, васийлик ва ҳомийликка олинувчи барча шахс категориялари ҳамда уни амалга ошириш механизмлари етарли даражада белгиланмаган. Хусусан, суд орқали муомаллага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб тан олинганлар, балоғатга етган муомаллага лаёқатли шахслар ва соғлиги туфайли васийлик ва ҳомийликка муҳтож бўлганлар Оила Кодексида инобат олинмаган. Амалдаги ҳуқуқий меъёрларда васийлик ва ҳомийлик бир ой мuddат ичида тайинланиши белгиланган. Аммо васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларни олдиндан жойлаштириш шакллари аниқланмагани туфайли амалиётда баъзан уларнинг мулкка бўлган ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатлари учрамоқда. Шунингдек, васий ёки ҳомийликка олишни истаган шахсларни танлаш ва саралаш, уларнинг олдиндан педагогик-психологик ва ижтимоий тайёргарлиги юзасидан аниқ мезонлар ёки уларга нисбатан қўйилган талаблар мавжуд эмаслиги билан боғлиқ муаммолар ҳам борлиги сир эмас. Шу боис мазкур қонун лойиҳасидаги нормалар, биринчи навбатда, васийлик ва ҳомийликни тартибга солиш билан боғлиқ муносабатларни белгилаб беради. Бундан ташқари, васийлик ва ҳомийлик билан бевосита алоқадор бўлган давлат идоралари вақолатлари, васийлик ва ҳомийлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, уларга юклатилган вазифалар ижросига доир муҳим

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Дастурида халқимизнинг тарихий, маданий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ёшларни миллий аъёнлар, урф-одатларга нисбатан ҳурмат ва шу йўл орқали уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиш сингари муҳим вазифалар белгиланган. Партия ёшларни ҳамisha ўзининг ижтимоий соҳадаги сиёсати марказига қўяди. Партия ёшларнинг салоҳиятини Ватанга хизмат қилишга йўналтиришни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб билади.

масалаларга аниқлик киритади. Қонун лойиҳасидаги меъёрлар барча тоифада, васийлик ва ҳомийлик институти тушунчаларига аниқлик киритиш лозим бўлади. 2008 йил 7 январь куни Президентимиз томонидан имзоланган ва расмий кучга кирган “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг “Асосий тушунчалар” деб номланган 3-моддасида уларга қуйидагича таъриф берилган: **васийлик ва ҳомийлик** - ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар таъминоти, тарбия ҳамда таълим бериш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли. Васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган, ҳомийлик эса ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшга бўлган болаларга нисбатан белгиланади.

тика қилиш тизимини мустаҳкамлаш, ота-оналар, васийлик ва ҳомийлик органларининг ўсиб келаётган авлод учун масъулиятини янада оширади, воёга етмаганлар ўртасида криминоген вазиятни тубдан яхшилаш имконини бериши. Ноқобил оила ва тарбияси оғир болаларни турар жойи бўйича аниқлаш, улар ўртасида тарбиявий ишларни ташкил этиш, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва бандлигини таъминлаш борасидаги ишларнинг самарадорлигини оширишга амалий таъсир кўрсатади. Пировадид ҳар жиҳатдан етук, баркамол ёшларнинг тарбияланишида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси асрлар давомида шаклланган аъёнларнинг демократик қадрият ва кўникмаларни жорий қилиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларини чуқурлаштириш тарафларини давлат васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш каби меъёрлар белгиланган. Қонун лойиҳасининг 7-моддасида **“маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги вақолатлари”** белгилаб қўйилган. Унга мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, васийлик ва ҳомийлик соҳасида давлат ва бошқа дастурларни амалга оширишда кўмаклашадиган, васийлик ва ҳомийлик соҳасида фаолият кўрсатаётган органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради, васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида чора-тадбирларни ишлаб чиқади, амалга оширади ҳамда давлат

Арслон ЭШМУРДОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Партия лойиҳаси



Миллий ўйинлар

халқ маънавиятининг кўзгуси

Ўзбек халқ миллий ўйинлари азалдан аждодларимиз маданий ҳаётининг ажралмас қисми сифатида болалар тарбиясида муҳим ўринга эга бўлиб келган. Аксарият ўйинларнинг илдизлари жуда қадимий бўлиб, улар турли даврлар руҳида мазмунан шаклланиб борган, асрлар давомида халқимиз маънавиятини бойитиб, онгу тафаккури ва ҳис-туйғуларини теранлаштиришга хизмат қилган.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси халқимизнинг кўп асрлик аъёна ва урф-одатларини асраб-авайлаш ва бойитишга кўмаклашишни устувор мақсад сифатида белгиланган. Бу борада партия Марказий ва худудий ташкилотларида аъёнларий тарзда ўтказиб келинаётган “Миллий халқ ўйинлари” ёшлар фестивали ёш авлод вақолатларининг ҳар томонлама кўмаклиги билан аниқлаш, уларнинг истеъдодларини намоён этишга шартшароит яратиш ва жамиятда муносиб ўринга эга бўлишларида мазкур фестивалнинг аҳамияти катта.

ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши томонидан “Обод турмуш йили”га бағишлаб ўтказилган “Миллий халқ ўйинлари” фестивали ёшларни бир жойга жамлаб, ўз маҳоратларини намоий қилишларига хизмат қилди. Унда партия Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Андижон вилоят Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳи вақолатлари, “Ёшлар қаноти” етакчилари, Андижон туман ҳокимлиги мутасаддилари ҳамда Жалаудуқ туман “Шукрона” фольклор этнографик ансамбль гуруҳлари, ҳунармандлар ва спорт усталари иштирок этиди. Тадбирни ЎзМТДП Андижон вилоят

Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси К.Отахонов кириш сўзи билан очди. — Бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу борада кенг қўламдаги ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда ЎзМТДП ҳам ўз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, фаол иштирок этишга интилкида. Жумладан, “Миллий халқ ўйинлари” фестивалини ташкил этишдан мақсад ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган ёш авлодни халқ ўйинлари, спорт ва жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишга янада кенгрок жалб этишга кўмаклашишдан иборат. Шунингдек, фарзандларимизни миллий халқ ўйинларининг аҳамияти ва моҳияти билан таништириш, ёш спорт усталарини аниқлаш, уларнинг истеъдодларини намоён этишга шартшароит яратиш ва жамиятда муносиб ўринга эга бўлишларида мазкур фестивалнинг аҳамияти катта.

Жасурбек НИШОНОВ,
ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони етакчи мутахассиси:
— ЎзМТДП “Ёшлар қаноти” ўз фаолияти давомида ёш авлодни ватанпарварлик, миллий гоёга содиқлик руҳида тарбиялаш, улар қалбида миллий гуруҳ уйғотиш каби дастурий мақсадларни амалга оширишга қаратиб келади. Бугунги “Миллий халқ ўйинлари” фестивали ёшлар ўртасида миллий қадриятларимизни кенг тарғиб қилиш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Мумтоза РАСУЛОВА,
ЎзМТДП аъзоси, тадбир иштирокчиси:
— Халқимиз асрлар давомида эзгулик, ватанпарварлик, мардликни ўзида акс эттирган қадимий ва ўзига хос миллий ўйинлари билан жаҳон маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшган. Қадриятларни эъзозлаш, миллий урф-одатларни шакллантириш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маданий меросимизни келажак авлодга етказиш ва ёшлар онгига миллий халқ ўйинларининг мазмун-моҳиятини чуқур сингдиришда бугунги ўтказилаётган тадбир муҳим аҳамият касб этади. Зеро, миллий қадрият ва аъёнларнинг ёрқин намунаси бўлган ўйинлар, энг аввало, кишининг ақл-заковати, тафаккур теранлиги, энцилик ва зийраклик каби жиҳатларини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Хайрулло ВАСИЕВ,
ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси матбуот котиби,
Мухтарома КОМИЛОВА,
“Milliy tiklanish” муҳбири

Бошланғич партия ташкилоти — бош таянчимиз

Етакчилар фаоллиги

куйи бўгин иши самарадорлигини таъминлайди

Бугун жамиятимизда кечаётган ислохотлар изчиллигини таъминлаш ва фуқаролар онгидо янги дунёқарошни шакллантириш жараёни жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар зиммасига катта масъулият юклайди. Бу эса, ўз навбатида, жамоатчиликка энг яқин ҳисобланган бошланғич партия ташкилотлари фаолияти самарадорлигини таъминлашни талаб этади.

ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши томонидан куйи бўгинлар ишини янги босқичга кўтариш етакчилар билим ва малакасини ошириш, кадрлар салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бошланғич партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш орқали куйи бўгин етакчиларининг фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш мақсадида қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши таркибиде 19 минг 752 нафар партия аъзосини бирлаштирган 329 та куйи бўгин партия гоё ва мақсадларини кенг омма ўртасида тарғиб-таъшиқ қилиб келмоқда. Улар томонидан ёш авлоднинг миллий ҳунармандчиликка бўлган қизиқишини янада ривожлантириш мақсадида соҳага ёшларни “устоз шогирд” аъёнлари асосида кенг жалб қилишга қаратилган ишлар самарали йўлга қўйилди.

— Жорий йилда куйи бўгинлар фаолиятини мониторинг қилиш, уларга яқиндан кўмаклашишга қаратилган тадбирлар янги босқичга кўтарилмоқда, - дейди партия вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони бош мутахассиси А.Кубаев. — Ўтказилаётган йилги ишларда нафақат ташкилотнинг фаолиятига оид масалалар, балки уларнинг худуддаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган тақрирлар билан чиқаётганлиги муҳоама этилишини ҳам эътиборга моликдир. Шунингдек, бошланғич партия ташкилотлари ўз фаолиятида баркамол авлод тарбиясига устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, бошланғич партия ташкилотда тузилган ёшлардан иборат гуруҳ “Озод юртининг обод гўшаси” шiori остида худуддаги маҳалла ва мактабларда долзарб ижтимоий-маънавий мавзуларда тадбирлар ташкил этиш баробарида хайрия ҳаётларида ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Дарҳақиқат, куйи бўгинлар - партиянинг бош таянчи ҳисобланади. Боиси, унинг сафи худудлардаги маҳалла, қишлоқ, турли корхона ёки соғлиқни сақлаш, таълим ва фан, маданият соҳасидаги ташкилотлар жамоаларининг партия аъзолари асосида шаклланади. Партия гоё ва дастурий мақсадлари энг чекка худудларимизгача кириб бориши, аҳолининг барча қатламларини қамраб олишига хизмат қилади.

— Бугунги кунда партия Самарқанд туман Кенгашида 23 та куйи бўгин фаолият юритмоқда, - деди Самарқанд туман кўп тармоқли тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти етакчиси Ситора Исомова. — Мазкур куйи бўгинлар ишини бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, бошланғич партия ташкилотлари етакчиларининг сиёсий билим ва кўникмаларини юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир. Бошланғич партия ташкилотлар сонини кўпайтириш, партия сафига сиёсий фаол фуқароларни жалб этиш, таъсирчан тадбирларни янада кучайтириш, ЎзМТДПнинг ижтимоий қатламини мустаҳкамлаш ва энг муҳими партиянинг дастурий мақсад ва гоёларини кенг оммага тарғиб-таъшиқ қилиш худудий ташкилотлар олдида турган муҳим вазифа эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Тўмарис АЪЗАМ,
“Milliy tiklanish” муҳбири



ЎзМТДП фракцияси аъзолари қонун лойиҳаларини муҳокама қилишмоқда.

Хуқуқий эксперимент

Қонун нормалари синови

жамиятни демократлаштиришнинг муҳим шарт

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Давра суҳбатини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Улуғбек Муҳаммадиев кириш сўзи билан очди.

— Истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларига назар солар эканмиз, бу марраларга ўз-ўзидан эришилмаганига гувоҳ бўламиз, - деди фракция раҳбари. — Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар замирида, аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсади муҳиммас экани барчамизга маълум.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиб бериш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини кучайтириш, улар томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмларини яратишга қаратилган янги қонунлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш илгари сурилган эди. Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаш, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари томонидан қабул қилинаётган, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришни таъминлашга қаратилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Айти пайтда Президентимиз Фармойиши билан мазкур қонун нормалари бўйича Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ҳуқуқий эксперимент ўтказилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад қонун лойиҳасининг давлат органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги ахборотдан барча эркин фойдаланишни таъминлашга қаратилган қоидалари самарадорлигини аниқлаш, бу қоидаларга амалий жиҳатдан ишлов бериш, қонун лойиҳаси нормаларини янада такомиллаштириш, ҳуқуқий ме-

ханизмларни яратиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишдан иборатдир.

— Ушбу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда изчил давом этаётган демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда партиямиздан сайланган барча даражадаги депутатлар, айниқса, халқ депутатлари Бухоро ва Самарқанд вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар зиммасига алоҳида масъулият юкланди, - деди пировардида фракция раҳбари.

Таъкидланганидек, ҳуқуқий эксперимент жараёнида Бухоро вилоятининг 88 та ташкилот иштирок этаётган бўлса, уларнинг 81 тасида матбуот хизмати ташкил этилган. Қонун нормалари синови жараёнида вилоят марказида изчиллик билан амалга оширилмоқда. Аммо, туманлар миқёсида бу жараённинг усуйиб бораётганини ҳис қилиш қийин эмас.

Давра суҳбатини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Саидов маъруза қилиб, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси асосида Бухоро вилоятини ҳуқуқий эксперимент бўйича амалга оширилган ишлар ва бу жараёнда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки ҳақида тўхталиб ўтди.

— Қонун лойиҳаси нормаларининг синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган концепцияда баён этилган ташаббусларни рўйбга чиқариш амалиётини бойитди, - деди нотик. — Ҳуқуқий эксперимент қонун ижодкорлигининг муҳим ва замонавий усулларида бири ҳисобланади. Ундан фойдаланиш ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳасининг ҳаётийлигини таъминлаш юзасидан илмий асосланган тавсиялар олиш имконини бермоқда. Шунингдек, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш миллий қонун ижод-

«Истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларига назар солар эканмиз, бу марраларга ўз-ўзидан эришилмаганига гувоҳ бўламиз. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар замирида, аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсади муҳиммас экани барчамизга маълум».

корлиги жараёни демократлаштиришга кўмаклашмоқда.

— Экспериментнинг мақсади — модел яратишдир, - дея сўзида давом этди А.Саидов. - Ҳуқуқий эксперимент шуниси билан эътиборлики, унда қонун ижросини таъминлаш чоралари қўрилади. Бу жараён эса давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари оммавий ахборот воситалари билан ишловчи ҳодимларга алоҳида масъулият юклайди. Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, бу лавозимларда билимдон, нутқ маданиятига эга, ўз ишини

яқши биладиган мутахассислар билан бирга соҳадан анчайин йироқ касб эгалари ҳам фаолият юритмоқда. Эксперимент самарадорлигига эришиш учун бундай арзимас бўлиб кўринган камчиликларни тузатиш лозим.

Давра суҳбатини давом эттирган Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Бухоро вилоят худудий бўлини маси раҳбари Шухрат Бафоев, ўз сўзида ҳуқуқий экспериментнинг фаол иштирокчиси сифатида фуқаролик институтлари роли қандай, жумладан, сиёсий партия-

ларнинг худудий ташкилотлари бу жараёнда қай даражада иштирок этишмоқда, деган саволлар асосида партиялар фаолиятига таҳлилий ёндашди. Йил охиригача давом этадиган ҳуқуқий экспериментга вилоятдаги барча фуқаролик институтлари, қорхона ва ташкилотлар фаол иштирок этиши лозимлигини таъкидлади.

Қизгин баҳс-мунозараларга бой, конструктив тарзда ўтган давра суҳбати якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Ватанимга содиқ бўлишга қасамёд қиламан!

Ҳар йили энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллик куни байрамида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасаларининг биринчи курс курсантлари ҳарбий қасамёд қабул қилади

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида ушбу воқеага бағишланган тантанали тадбирлар бўлиб ўтди. Шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг ҳарбий-тиббиёт факультети курсантлари ҳам қасамёд қабул қилди.



...Эрта тонг бўлса-да, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти гавжум. Барчанинг юзида табассум, байрамона кайфият ҳукмрон. Мамлакатимизда истиқлолнинг 22 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда биринчи курс курсантлари ўз халқи ва Ватанига содиқлик қасамёдини қабул қилди. Уларни табриклаш учун Мудофаа вазирлиги, жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар ва яқин дўстлар ҳам келишган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислоҳ Каримов раҳнамолигида Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган ислохотлар салмоқли натижалар бераётгани, ҳарбий қисмлар ва олий ҳарбий таълим муассасаларида ёшлар учун барча шароит яратилгани таъкидланди. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ҳарбий кадрларни тайёрлашни яхшилаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда нафақат замонавий ўқув синфлари ва аудиториялар, тренажёрлар ва спорт иншоотлари, балки ахборот-ресурс маркази, ўқув ҳамда бадиий адабиётга бой кутубхона фонди, турли қурол-яроғлар, жанговар техника курсантларнинг ҳар томонлама етук кадрлар бўлиб етишишига хизмат қилмоқда. Малакали ўқитувчилар эса бўлажак офицерларга ўз тажрибасини ўргатмоқда.

...Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Тўрт йилдан сўнг мамлакатимиз Қуролли Кучларининг мотоўқчи, разведка ва чегара бўлиналарида ҳарбий мутахассис бўлиб хизматни бошлайдиган бу курсантлар Ватанимиз, халқимиз ва Президентимизга содиқ бўлиш, ўз бурчини виждонан бажариш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, халқимиз тинчлиги, оқсоғишлиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилишга тантанали қасамёд қилди.

— Биз учун энг муҳим ва унутилмас кун — Ватанимиз мустақиллиги байрамида ҳарбий

қасамёд қабул қилиш улкан шарафдир, - дейди биринчи курс курсанти Иброҳим Охунов. — Президентимиз Ислоҳ Каримов мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида биз, ёшларни ўз кучимиз ва салоҳиятимиз, билим ва қобилиятимизга ишонган, Ватанимиз қудратига таянган ҳолда, янада юксак марраларни забт этишга давват этди. Барча курсантлар номидан қатъий айтаманки, бизга билдирилган бундай юксак ишонч-ни оқлаймиз, ўз муқаддас бурчимизни шараф билан адо этамиз.

...Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультетида ҳам тантанали ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Аънаёна кўра, тадбир Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Давлат музейининг Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган «Ватанга қасамёд» ҳайкали олдида ўтказилди.

Тошкент ахборот технологиялари университети базасида 1993 йил ташкил қилинган ушбу махсус факультетда телекоммуникациялар ва радиоалоқа соҳасида ҳарбий мутахассислар тайёрланмоқда. Бу ерда ахборот-коммуникация ва компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда, ўқитишнинг замонавий услуб ва шакллари жорий этилган.

— Бугун нафақат курсантлар, балки биз, ота-оналар учун ҳам қувончли кундир, - дейди Самарқанд вилоятидан Анвар Эгамбердиев. — Биз фарзандларимиз катта ҳаётга қадам қўяётгани ва Ватанимизни ҳимоя қилишга тантанали қасамёд қилаётганини катта ҳаяжон ва фах билан кузатиб турибмиз. Бу қалбимизни гурурга тўлдирмоқда. Уларнинг барчаси ўз қасамёдига содиқ бўлиб, муқаддас бурчини намунали бажариши, халқимиз ва Президентимиз билдирган юксак ишонччи оқлашига ишонамиз.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири

Болалар спорти

Андижонда янги теннис мактаби

Андижон шаҳрида барча қулайликларга эга ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари теннис мактаби фойдаланишга топширилди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, ёш авлоднинг спорт билан мунгуна таъминлаш учун зарур шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан Андижон шаҳрида бунёд этилган ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари теннис мактаби ҳам ана

шу гамжўрликнинг амалий инфодасидир. — Мазкур иншоот қурилишига Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 1 миллиард 846 миллион сўм маблағ ажратилди, - дейди мактаб директори Лайло Сагадеева. — Замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган ва 250 нафар бола катта теннис билан мунтазам шуғулланиш имконияти мавжуд

бўлган мактабдаги очик ва ёпиқ кортлар, сауна, душ, тиббиёт хонаси ўқувчилар ихтиёрида.

Очилиш маросими вилоятдаги туман ва шаҳар жамоалари иштирокидаги мусобақага уланиб кетди. Беллашулар якунига кўра, Андижон шаҳри жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи, Марҳамат тумани вакиллари иккинчи, Қўрғонтепа туманининг ёш теннисчилари учинчи ўринни эгаллади.

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдурахмонов сўзга чиқди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

Маннон ОТАБОЙ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан,
мустақил Ўзбекистон!

(ЎЗА) оғани суради.

Юртимиз фарзандлари

жисмонан бақувват, руҳан тетик, маънан баркамол авлоддир

Бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг энг улук, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишланган шодиёналарга гувоҳ бўламиз. Ана шундай шукуҳли кунларда мамлакатимизда истиқлол йилларида ёшларимиз ҳаётида рўй берган беқиёс ўзгариш ва янгиликлар кўз ўнгимиздан бирма-бир ўта бошлайди. Мухтарам Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолиги остида мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ёшларимизнинг жисмонан бақувват, маънан етук авлод бўлиб улғайишига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу ўринда мамлакатимизда давлат бюджети харажатларининг 60 фоизга яқини таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият, санъат ҳамда спорт соҳаларига йўналтирилаётганини алоҳида таъкидламоқчи. Бундан, табиийки, энг аввало, ёшларимиз баҳраманд бўлмақдалар. Ёшларнинг жисмонан соғлом авлод бўлиб вояга етишлари ҳақида сўз юритганимизда, аввало, уч босқичли спорт йўналиши — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” мусобақалари юртимиз байроғини баланд кўтарадиган, Ватан шаъни, халқ гурури учун курашадиган маҳоратли спортчиларни тарбиялашда ўзига хос мактаб вазифасини ўтаётганлигини таъкидлаш лозим бўлади.

Юртимизда ёшларнинг спорт билан ошно бўлиб улғайишлари учун ҳавас қилса арзиғулик шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этилган, спорт анжумлари билан тўлиқ жиҳозланган замонавий спорт мажмуалари, спорт заллари, стадионлар, сузиш ҳавзалари, спортга ихтисослашган мактабларда юз минглаб ёшларимиз спортнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғулланмоқдалар. Бугунги кунда янги барпо этилган болалар спорт объектларида фаолият кўрсатаётган 57,5 мингдан ортиқ спорт секцияларида 1 миллион 800 минг нафардан зиёд ёшлар спорт билан мунтазам шуғулланаётгани болалар ўртасида спорт нақадар оммалашиб бораётганидан яққол далolat беради. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг мажлисида таъкидлаганидек, 2003 йилда мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этган 20,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 40,5 фоизга етган. Қизлар ўртасида эса 16,4 фоиздан 32,5 фоизгача ўсган. Сўнгги ўн йилда қишлоқ жойларда болаларнинг спорт билан шуғулланиши 14,5 фоиздан 39 фоизга ошган. 2005-2012 йилларда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қарийб 4

минг нафар бола 333 та халқаро спорт тадбирида, турли фестивал ва ўқув машғулот йигинликларида иштирок этган. Энг эътиборлиси, мазкур мусобақаларда қатнашганларнинг асосий қисми - қарийб 2 минг 400 нафари қишлоқ жойларда яшаётган ўғил-қизлардир. Улар дунёнинг 34 дан ортиқ мамлакатларида бўлиб, спортнинг 30 тури бўйича юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилгани барчамизга гурур бағишлайди.

Кўриниб турибдики, юртимизда яратилган қулайлик ва шарт-шароитлар ёш истеъдод соҳиблари - салоҳиятли, қобилиятли, баркамол фарзандларимиз учун кўпдан-кўп имконият эшикларини очмоқда. Айни пайтда деярли ҳар куни мамлакатимиз вакиллари спортнинг қайсиқидир йўналишида совринли ўринларни кўлга киритаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Мамлакатимизда навқирон авлод вакилларига кўрсатилаётган юксак эътибор туфайли илмуфан, спорт билан бир қаторда санъатда ҳам юқори ютуқларга эришилмоқда. Зеро, инсоннинг маънавий камолотида мусиқанинг ўрни беқиёс. Шу боис дилтортар куй-қўшиқларни севиб тинглаймиз, улардан завқ оламиз, фарзандларимизни санъатга ошно қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратамиз. Мутахасссларнинг таъкидлашича, чиннакам мусиқий асарлар ёш авлод онгу тафаккурини бойитишга, улар қалбига эзгу фазилатларни шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Шу сабабли мамлакатимизда истеъдодли ёшларни аниқлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Айниқса, Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган “Болалар мусиқа ва санъати мактабларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 - 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори туфайли мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий, ҳар томонлама қулай мусиқа мактаблари қад ростламоқда, мавжудлари қайта таъмирланиб, моддий-техник базаси янада яхшиланоқда. Ўтган йиллар мобайнида бу борада амалга оширилган кенг қўламли ишларнинг юксак самараларини юртимизнинг ҳар

бир гўшасида истеъдодини намойён этаётган йигит-қизларнинг ижодий парвозларида кўриш мумкин. Жумладан, В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ҳам ана шундай эзгу ташаббус натижасида бутунлай янгича қиёфага эга бўлди. Бугун бу ерда иқтидорли ёшлар миллий ва жаҳон мусиқа санъати сирларини мукаммал эгалламоқда. Улар орасида давлат мукофоти совриндорлари, нуфузли халқаро танловларнинг қобиллари бор. Биргина 2012 йилда Ўттиз нафардан зиёд ўқувчи Италия, Франция, Бельгия, Руминия сингари давлатларда нуфузли халқаро танловларда иштирок этиб, қобилбар сафидан жой олди. Жорий йилнинг май ойида Италиянинг Перуджио шаҳрида халқаро болалар мусиқа фестивали ва унинг доирасида таълиқ этилган “Musica d’inieme associazione” танловига ушбу ўқув муассасасининг бир гуруҳ ўқувчилари ҳам муваффақиятли иштирок этиб қайтишди. — Фестиваль давомида ўнлаб ўзбек халқ қўшиқла-

ди. Шунингдек, анъанавий хонандалик йўналишида 4-синф ўқувчиси Арслон Шавкатов “Янги авлод” республика болалар ижодиёти фестивалининг мутлақ ғолиби бўлиш билан бирга Озарбайжоннинг Боку шаҳрида ўтказилган “Мугом” IV халқаро болалар фестивалида махсус диплом билан тақдирланди. 5-синф ўқувчиси Бобуржон Раҳматов эса Россиянинг Кемерово вилоятида ўтказилган “Метеллица” халқаро ёш вокалчилар танловига совриндор бўлди. Санъат соҳасида яратилаётган бундай шарт-шароит ва эришилаётган ютуқларни республикамизнинг барча вилоят ва туманларида ҳам кузатиш мумкин.

Ёшларнинг маънавий камолоти ҳақида гап борар экан, бундан 16 йил аввал қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида белгиланган вазифалар, чора-тад-

Юртимизда ёшларимизнинг спорт билан ошно бўлиб, улғайишлари учун ҳавас қилса арзиғулик шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этилган, спорт анжумлари билан тўлиқ жиҳозланган замонавий спорт мажмуалари, спорт заллари, стадионлар, сузиш ҳавзалари, спортга ихтисослашган мактабларда юз минглаб ёшларимиз спортнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғулланмоқдалар.

ри ва мусиқаларини ижро этдик, - дейди ёш созанда Ислам Умрзоков. — Халқимизнинг умрбоқий қадриятлари, маданияти ва санъатини намойиш эта олганимиз нирҳоятда хурсандимиз.

Қарши шаҳридаги 1-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳам мазкур қарор асосида тубдан такомиллаштирилди. Даставвал санъат даргоҳининг биноси қайтадан бунёд этилди. Уни лойихалаштиришда бино деворлари, эшиклар, ўқув жиҳозлари, ҳатто парда ва электр чирокларига ҳам мусиқа машғулотларини ўтказишга мос бўлиши ҳисобга олинди. Мактабда ўқувчиларга рақс, тасвирий санъат, фортепьяно, баян-нақордеон, урма-зарбли асбоблар, торли чолғу асбоблари каби ўнга яқин йўналиш бўйича сабоқ берилмоқда. Мактаб ўқувчилари юртимиз ва чет давлатларда ўтказилган қатор фестивалларда ғолибликни кўлга киритиб келишмоқда. Жумладан, жорий йилда болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Академик чолғулар ва эстрада ижрочилиги” республика кўрик-танловида Жавоҳир Отамуродов фортепьяно, Шерали Чоршанбиев зарбли чолғулар йўналишларида совринли ўринларни кўлга киритиш-

бирлар асосида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар кўз олдимизда яққол намойён бўлади. Бугунги кунда дунё ҳам-ҳамияти томонидан том маънода эътироф этилаётган халқаро таълим тизимлари негизида ишлаб чиқилган, бош мақсади-комил инсон, етук малакали мутахассис ва кадрлар тайёрлаш бўлган миллий модел яратилди. Ана шундай кенг қамровли ислохотлар натижасида қанчадан-қанча ёшларимиз кейинги ўн йил ичида нуфузли халқаро фан олимпиадаларида муносиб қатнашиб, 150 дан ортиқ олтин, кумуш ва бронза медалларига, шарафли халқаро санъат фестиваллари ва конкурсларда 670 дан ортиқ совринли ўринга сазовор бўлишгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бугунги кунда малакали мутахассис кадрларни талаб қилувчи ва юксак технологиялар билан жиҳозланган машинасозлик, кимё, нефть-газ, қимматбаҳо металллар қазиб чиқариш, текстиль, ёқилғи-энергетика, ахборот-коммуникация соҳаларида ўзбек-ийгит қизлари, яъни миллий кадрларимиз самарали фаолият кўрсатишмоқда.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Тиббий хизмат

Соғлом миллат —
юрт таянчи

Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, юртимизда маънан етук ва жисмонан соғлом авлодни камол топтириш масаласига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Зеро, бугун мамлакатимизнинг тиббиёт муассасалари энг мукаммал ва замонавий тиббий техника воситалари билан жиҳозлангани аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада оширди.



шаҳридаги 5-оилавий поликлиника бош шифокори Рустам Ходжаев. — Хусусан, юртимизда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизими шакллантирилганлиги ва аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилаётгани бунинг амалдаги тасдиғи бўлади. Биргина мисол, 2012 йилнинг декабр ойида бир кунда 200 беморни қабул қилишга мўлжалланган поликлиника куриб фойдаланишга топширилди. Умумий қиймати 1 миллиард 160 миллион сўм маблағ эвазига бунёд этилган мазкур муассасада беморлар саломатлигини мустаҳкамлаш учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилган, бўлим ва хоналар тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган. Натижада, шаҳардаги “Навбахор”, “Намозгоҳ”, “Нақшбанд”, “Аҳмад Дониш”, “Ойбек” каби МФЙнинг 40 минг нафардан ортиқ аҳолисига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконияти яратилди. Айни кунда 150 нафарга яқин тиббиёт ходимлари аҳоли хизматида.

Соғлом авлодни дунёга келтириш, уни камол топтириш, энг аввало, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини тубдан такомиллаштиришни талаб этади. Шу боис мазкур масала тиббиёт соҳасидаги давлат дастурларида устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилди. Мухтарам Президентимиз илгари сурган “Соғлом она-соғлом бола” дастури бугун умуммиллий ҳаракатга айланиб улгурди. Ҳар бир тиббиёт ходимидан аҳолига биринчи навбатда, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, она ва бола саломатлигига эътиборли бўлиш талаб этилмоқда. Шундан келиб чиқиб, ҳудудимиздаги 4 та касб-хунар коллежи, 1 та академик лицей, 3 та мактаб ва 8 та мактабгача тарбия муассасида доимий равишда тарғибот ва ташвиқот тадбирларини ўтказиб турибмиз.

Соғлом миллат — юрт таянчи ва унинг истиқболни белгилаб беради. Мамлакатимизда инсон саломатлигини сақлашга устувор вазифа сифатида қаралаётган экан, бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳар биримиздан янада фаолликни талаб этади. Шу кунларда шаҳардаги 7-сон поликлиника биносининг қурилиши якунланди. Аввалги биноси эски, ярқисиб бўлиб, намунали тиббий хизмат кўрсатиш имконияти йўқ эди. Мустақиллик байрами арафасида шаҳар аҳолиси кенг ва ёруғ хоналардан иборат, барча шaroитлар яратилган, замонавий поликлиника биносига эга бўлди. Қурилиш-таъмирлаш ишларини Шариф Аҳмедов раҳбарлигидаги “Нурафшон” МЧЖ курувчилари бажаришди.

— Ўтган йиллар мобайнида аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш бўйича кенг миқёсда ишлар олиб борилди, - дейди 7-сон поликлиника бош шифокори Ғофур Тоғаев. — Ҳозирги кунда поликлиникамиз бўйича 116 нафар малакали шифокор ва ўрта тиббиёт ходимлари шаҳар аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Туғиш ёшидаги аёллар ва болалар соғломлаштириш бўйича маълумотлар йиғиш, кундалик мониторинг ишларини олиб бориш билан мунтазам шуғулланамиз. Янги, замонавий бинога эга бўлишимиз билан ишларимиз кўламини янада кенгайтириш имконияти яратилди.

Бир сўз билан айтганда, Бухоро шаҳрида фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимлари аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўлидаги эзгу юмушларга ана шундай фаоллик ва фидоийлик кўрсатишмоқда.

Эркин ДОРИПОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Қарор ва ижро

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР
МАСКАНИ

Фаргона вилоятининг Фурқат туманида янги болалар мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори мусиқа ва санъат мактаблари фаолияти самарадорлигини янада оширишда муҳим дастуриламал бўлаётир. Бугунги кунда вилоят халқ таълимни бошқармаси тасарруфидда 29 мусиқа ва санъат мактаби фаолият кўрсатмоқда. Уларда ёш истеъдод эгалари фортепьяно, миллий чолғулар ижрочилиги, эстрада, мусиқа, рақс санъати йўналиши

бўйича билим ва маҳоратини оширмоқда. Давлат дастурига мувофиқ ўтган давр мобайнида вилоятда 16 янги мусиқа ва санъат мактаби қурилди ҳамда таъмирланди. Обод турмуш йилида эса 2 янги ўқув маскани қурилиб, учтаси капитал реконструкция қилинди.

Фурқат тумани Чирқай қишлоғидаги янги 12-Болалар мусиқа ва санъат мактаби янги ўқув йилида ёшлар учун муносиб туҳфа бўлди. Бу ерда ўқувчиларнинг мусиқа ва санъат сирларини пухта ўрганиши учун барча шароитлар яратилган. Мактабда 150 нафардан зиёд ўғил-қиз халқ чолғу асбоблари, анъанавий чолғу ижрочилиги, фортепьяно, торли чолғулар, рассомлик, театр санъати, халқ амалий санъати каби 15 йўналиш бўйича тахсил олади.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири

Бизнинг шарҳ

“Миллий кадрият ва тараққиёт”

ҳамда фуқароларнинг тўла камолоти учун хизмат қиладиган миллий манфаатлар тизимининг қайта тикланиши
Австралия Либераллар партиясининг ғоясига айланган

Австралия Ер шарининг жанубий ярим шарида жойлашган бўлиб, тахминан 100 миллион йил аввал ўз теварагидаги ороллари билан катта қуруқликдан ажралиб кетган. Ер майдонининг катталиги жиҳатдан дунёда 6-ўринда турадиган, поёнсиз ҳудудга эга бўлган мамлакат нафақат табиати ёки табиий ресурсларга бойлиги, балки давлат структураси, ички сийсат жиҳатдан ўзига хосдир.



нолейборист партиялар бирлашиши ва Австралия халқи учун кучли муқобил ҳукумат тузиш фикрини илгари сурган. “Биз излашимиз зарур бўлган ва жамиятимизга сув ва ҳаводек керак бўлган нарса бу - ижтимоий адолат ва хавфсизлик, миллий кадрият ва миллий тараққиёт, фуқароларнинг тўла камолоти учун хизмат қиладиган миллий манфаатлар тизимининг қайта тикланиши”, - деган эди у Канберра конференциясида.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг жаҳон сийсий майдонида жиддий ўзгаришлар кузатилди. Кўплаб мамлакатларда демократия, инсон ҳуқуқларининг таъминлини, миллий манфаатлар учун курашлар, иқтисодий фаровонлики ошириш йўлида тўб ислохотлар амалга оширилди. Австралияда ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинлиги учун кураш олиб борган Роберт Мензис сийсий майдонга янги куч кириб келишининг айна вақти эканига ишонарди.

Қисқа муддатда партия сафига иқтидорли ёшлар жалб этилди. Улар томонидан турли тадбир ва урчушуларда айнан кадриятларга асосланган ғоялар, партия томонидан илгари сурилган ва амалда халқнинг ишончини қозонган ҳаракат дастурлари тарғиб этилди. Хусусан, мамлакатда кишлоқ ҳўжалиги, таълим ва тадбиркорлик ривожланиб бораётган бир пайтда партия экспорт саноатини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг савдохонлигини юксалтириш, ҳақ-ҳўқуқларини таъминлаш, таълимда Австралия миллий мо-

делини яратиш муҳим масалалардан эканини таъкидлади. Натижада, 1945 йилнинг май ойидаёқ Австралия либерал партияси аъзолари сони 40 000 нафардан ошди.

Орадан бир йил ўтиб, илк бор сайловларда иштирок этган партиянинг муваффақиятлари катта бўлди, аммо 1947 йили партия Фарбий ва Жанубий Австралия, Виктория штатларида ғалаба қозонди. Орадан икки йил ўтиб эса либераллар Аграр партия билан коалиция тузиб, ҳукумат таркибига киришди. Ушбу ғалабаларда партияга 17 йил давомида раҳбарлик қилган Сэр Роберт Мензиснинг ҳиссаси катта бўлди.

Партияларнинг фаолияти, аввало, унинг ғоялари ҳаётга нечоғли ҳамоҳанглиги билан белгиланади. Бошқача айтганда, сийсий қўчлар сийсат майдонида ҳаракат дастурлари, принцип ва ғоялари билан яшайди, курашади. Шу орқали сийсий майдонга кириб келади, ўз электорати, аъзоларини шакллантиради. Айнан улар томонидан илгари сурилган ғоя ва дастурлар аҳоли ишончини қозона олса, ҳақ-ҳўқуқларини таъминласа, шу партиягина мамлакатдаги энг йирик кучга айланади. Шу жиҳатдан Либераллар Платформасида оиланг аҳамияти ва қонун устуворлиги сақлаб қолинган адолатли ва хавфсиз

жамият, барча австралияликларнинг тенг имкониятларга эга бўлиши, аҳолининг турмуш даражаси, соғлиқни сақлаш, таълим олиш ва ижтимоий адолат имкониятларидан фойдаланадиган даражада фаровон яшаш тарафдори эканини ўқш мумкин. Маълумотларга кўра, партия 23 йил — 1949-1972 йиллари давомида мамлакат бошқарувини ўз қўлида сақлаб келди. Бундай узлуксиз бошқарув кейинчалик 1975-1983 йиллари давомида кузатилди. Кейинчалик 1996, 1998 йилларда ҳам партия Жон Говард бошчилигида сайловларда ғалаба қозониб келган.

1992 йили сайловларда Лейбористлар партияси ғалабаси эҳтимоли юқори бўлган бир пайтда либераллар бозор иқтисодиёти ғояларига суянган ҳолда “Қарши зарба” шiori билан анчайин радикал сийсий Платформани ишлаб чиқдилар. Аммо кўпчиликнинг фикрича, айнан ҳаддан ортиқ радикализм оқибатида 1993 йилги сайловларнинг бой берилиши партиянинг мувозанатлашган сайловлардаги тактикасини танлашга унда ва бу уларнинг 1996 йилдаги ғалабасини таъминлади.

Жон Говард ҳукумати сайловда берилган ваъдалар - меҳнат муносабатлари соҳасидаги ислохотлар, касба уюшмаларининг сийсий таъсирини куч-

сизлантириш, маҳсулот ва хизматларга солинадиган солиққа доир янги лойиҳани амалга оширишга киришиб кетди. Партия 1998 йилги сайловда кампанияда бошланган ишлар, айниқса, солиқ тизимидagi ислохотларни давом эттиришни ўз бўйига олди.

Ташкилий жиҳатдан партия федерал тамойилларга асосланади. Партиянинг штатлардаги бўлимлари тўла мустақил. Штатлар микёсида партиянинг қуйи бўлимларига вакиллик қилувчи марказий кенгашлар, аёлларнинг партия ташкилотлари ва ёшлар ассоциациялари — булар партиянинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Гарчи уларнинг қарори парламент аъзолари учун қабул қилиниши мажбурий бўлмаса-да, парламент фаолиятнинг умумий иқтисодий ва сийсий масалаларини кўриб чиқади.

Сентябрь ойида Австралияда парламент сайловлари ўтказилиши режалаштирилган. Ушбу сийсий тадбирнинг ўзига хослиги шундаки, мамлакатда сайлов кампанияси 226 кун олдин бошлангани катта шов-шувларга сабаб бўлди. Бу амалдаги партияларга тарғибот-ташвиқот ишлари учун кенг имкониятлар яратди. Айни пайтда мамлакатда сайлов кампаниясининг сўнгги босқичлари қизгин давом этмоқда. Партияларнинг асосий қуроли бу — ғоя ва мафкуралар саналади. Энг яхши ташаббусларни илгари суриш, қилинган ишлардан муносиб ҳулоса чиқариш, сайловчилар билан алоқаларни яхшилаш сайловларда муносиб натижаларни қўлга киритишга муҳим асосдир. Кузатувчиларнинг фикрича, аҳоли айни пайтда 2007 йилги парламент сайловларда қуйи палатада нисбатан кўпроқ ўринларга эга бўлган Лейбористлар партиясидан кўра анъанавий кадриятларга содиқлиги билан ном қозониб, 70 мингдан зиёд электоратга эга бўлган Либерал партиясига кўпроқ ишонч билдирмоқда.

Бехбуд БОТИРОВ,
“Milliy tiklanish”
шарҳловчиси

Жуғрофи жойлашуви: Австралия материги Тасмания ва унинг ёнидаги майда оролларда, Ернинг жанубий ярим шарида жойлашган давлат. Иқтисоди: Бозор иқтисоди юқори ривожланишга эга бўлган аграр-индустриал мамлакат. Саноати: Машинасозлик, тоғ-кон, кимё саноати, озик-овқат, пўлат қуйиш. Кишлоқ ҳўжалиги асосан экспортга ихтисослашган.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Хитойда “Трами” тўфони

“Синхуа” ахборот агентлиги хабарларига қараганда, Хитойда ушбу тўфондан 200 нафардан зиёд киши азият чеккан.

Тўфон сабабли мамлакат жанубида жойлашган Гуанси-Чжуан провинциясидан қарийб 5 минг киши эвакуация қилинган. Табиий офат оқибатида 6,17 минг гектар қишлоқ ҳўжалиги майдони сув остида қолган. Бундан ташқари 500 дан зиёд биналарга ҳам зарар етган. Расмий маълумотларга кўра, тўфон этказган иқтисодий зарар 4,13 млн. долларга баҳоланмоқда. “Трами” тўфони Футцизия ҳамда Чисиян шарқий провинцияларига ҳам зарар етказган.

Шунингдек, Гуандун провинциясида жойлашган Шантоу шаҳрида юз берган сув тошқинлари маҳаллий ферманинг деворларини бузиб юборган. Натижада 11 мингга яқин тимсоҳлар қочиб кетган. Полиция ва маҳаллий аҳоли тимсоҳ овига жалб қилинган. Воқеа натижасида жабр кўрганлар ҳақида маълумотлар йўқ. Қайд этиш жоизки, қатор Хитой провинцияларида тимсоҳ гўшти соғлиқ учун фойдали таом ҳисобланади.

Ўрмон ёнғинлари

Айни пайтда Португалия ҳамда АҚШнинг Калифорния штатида ўрмон ёнғинлари кучайиб кетган.

Лиссабон шимолида жойлашган Визей провинциясида тилсиз ёв 30 минг гектардан зиёд ўрмонни йўқ қилган. Айни пайтда яна 21 мингдан зиёд гектар ўрмон олов ичида қолган. Ўрмон ёнғинлари қўшни Франция ҳудудига ҳам хавф солмоқда. Ҳаво ҳароратининг тобора кўтариллаётгани тўфайли АҚШнинг Калифорния штатида ёнғинлар тобора кучаймоқда. Штатда фавқулодда ҳолат жорий этилган.

“Бермуд учбурчаги” сири

Маълумотларга қараганда, Швециярий олий техника мактаби олимлари Атлантика океанида худди фазодаги каби қоратуйнуқлар борлигини таъкидлашмоқда.

Уларнинг фикрича, шундай туйнуқлардан бири Бермуд учбурчагида жойлашган. Денгиз ғирдоблари ва космик қора туйнуқлар орасидаги ўхшашлик математик амаллар ёрдамида топилган. Олимлар ушбу ҳисоб-китоблар ёрдамида “ўлик” зоналарга тушган предметлар уларда узоқ вақт қолди кетишини аниқлашди. Ўтказилган таҳлиллар денгизга тушадиган чиқиндилар айланмаси феноменини аниқлаш имконини берди. Олимларнинг фикрича, “Бермуд” учбурчаниннинг сири ҳам нафақат чиқиндилар, балки кема ва самолётлар тушиб қоладиган шундай “ўлик” зоналарда бўлиши мумкинлигини тахмин қилишмоқда.

Интернет хабарлари асосида
Асила ИБРАГИМОВА тайёрлади

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Сирдарё вилоят филиали томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Суд Департаменти Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси суд ижрочилари бўлимлари томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари савдога қўйилмоқда:
Сирдарё туман суд ижрочилари бўлими томонидан:
1. “ККС-10” русумли, д/б бўлмаган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган. Сирдарё туман МТП ҳудудида сақланаётган қисман носоз ҳолдаги кран воситаси, бошланғич баҳоси — 40 741 563 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 20 сентябрь кuni соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.
1. “CANON-i-MF-3010” русумли, ишлаб чиқарилган йили номаълум, Сирдарё шаҳар Ўзбекистон кўчаси сақланаётган қисман носоз ҳолдаги принтер воситаси, бошланғич баҳоси — 665 340 сўм.
2. “ARTEL-12-HR” русумли, ишлаб чиқарилган йили номаълум, Сирдарё шаҳар Ўзбекистон кўчаси сақланаётган қисман носоз ҳолдаги кондиционер, бошланғич баҳоси — 1 157 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 4 октябрь кuni соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.
Гулистон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан:
1. “BA3-21063” русумли, д/б 20 Q 901 AA бўлган, 1986 йил ишлаб чиқарилган, Нарцисс Сервис Савдо МЧЖ омиборида сақланаётган қисман носоз ҳолдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси — 5 850 000 сўм.
2. “Москвич-412” русумли, д/б 12 D 471 бўлган, 1990 й.и.ч. Сирдарё вилоят ИИБ гаражида сақланаётган носоз ҳолдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси — 263 446 сўм.
3. “РАФ-2203” русумли, д/б 14 Z 00 34 бўлган, 1989 йил ишлаб чиқарилган, Нарцисс Сервис Савдо МЧЖ омиборида сақланаётган қисман носоз ҳолдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси — 4 205 076 сўм.
4. “BA3-21011” русумли, д/б 11 F 47 69 бўлган, ишлаб чиқарилган номаълум, Сирдарё вилоят ИИБ гаражида сақланаётган носоз ҳолдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси — 366 113 сўм.
5. “Москвич” русумли, д/б 20 C 385 AA бўлган, 1985 й.и.ч. Сирдарё вилоят Низом Мулк Плюс омиборида сақланаётган носоз ҳолдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси — 1 23 008 сўм.
6. “ГАЗ-5307” русумли, д/б 12 D 29 26 бўлган, 1985 йил ишлаб чиқарилган, Гулистон шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланаётган қисман носоз ҳолдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси — 4 698 926 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 20 сентябрь кuni соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.
1. “BA3-21063” русумли, д/б 20 W 517 AA бўлган, 1988 йил

ишлаб чиқарилган, Гулистон шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланаётган қисман носоз ҳолдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси — 4 200 000 сўм.
2. ГБА“МАТИЗ”СПГ русумли, д/б 20 Q 172 BA бўлган, 2010 йил ишлаб чиқарилган, Гулистон шаҳар ИИБ 3-сонли жарима майдонида сақланаётган носоз ҳолдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси — 17 500 000 сўм.
3. “НЕКСИЯ-ДОНС-2” русумли, д/б 20 В 352 BA бўлган, 2009 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Гулистон шаҳар Нарцисс Сервис Савдо МЧЖ омиборида сақланаётган қисман носоз ҳолдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси — 28 500 000 сўм.
4. ГБА“НЕКСИЯ-ДОНС-2”СПГ русумли, д/б 20 P 497 AA бўлган, 2010 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Гулистон шаҳар Нарцисс Сервис Савдо МЧЖ омиборида сақланаётган қисман носоз ҳолдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси — 29 500 000 сўм.
5. ГБА“ЭПИКА”СПГ русумли, д/б 20 122 EAA бўлган, 2010 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Гулистон шаҳар Нарцисс Сервис Савдо МЧЖ омиборида сақланаётган қисман носоз ҳолдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси — 39 883 518 сўм.
6. ГБА“ЛАСЕТИ”СПГ русумли, д/б 20 575 DAA бўлган, 2010 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Гулистон шаҳар Нарцисс Сервис Савдо МЧЖ омиборида сақланаётган қисман носоз ҳолдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси — 34 997 209 сўм.
7. ГБА “ЭПИКА”СПГ русумли, д/б 20 320 EAA бўлган, 2012 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Гулистон шаҳар ИИБ ЙХБ 4-сонли жарима майдонида сақланаётган қисман носоз ҳолдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси — 48 586 045 сўм.
8. “ДАМАС” русумли, д/б 20 167 EAA бўлган, 2011 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Гулистон шаҳар ИИБ ЙХБ 4-сонли жарима майдонида сақланаётган қисман носоз ҳолдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси — 20 108 990 сўм.
Аукцион савдоси 2013 йил 4 октябрь кuni, нархи сунъий равишда кўтарилиб сотилмаган тақдирда такрорий савдоси 2013 йил 11 октябрь кuni соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади..

Ушбу автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Тўлов ва аризаларни қабул қилиш, эълон чоп этилган кундан

бошлаб қабул қилинади, охириги муддати: Бир кун қолганда тўхтатилади.
Аукцион савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида автотранспорт воситасининг номи, давлат белгилари, кўрсатилган ҳолда «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Сирдарё вилоят филиалининг ОАТ “Турон” банк ОАЖ Сирдарё вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 2049 3216 8027, МФО: 00368.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳар, Мустақиллик кўчаси 35-уй I-қават, телефон: 235-03-58. Хизматлар лицензияланган: № 004059 2011 йил 18 август

II. Халқ банки Сирдарё вилоят Янгиер шаҳар филиалининг 2013 йил 24 август кунидagi 09/373-сонли хатига асосан қуйидаги автотранспорт воситаси савдога қўйилмоқда:
1. “BT-150” русумли, д/б 44 66 SO бўлган, 2008 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Янгиер шаҳар А.Навоий кўчаси 6-уйда сақланаётган қисман носоз ҳолдаги трактор воситаси, бошланғич баҳоси — 42 951 600 сўм.
Аукцион савдоси 2013 йил 4 октябрь кuni соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Ушбу автотранспорт воситалари билан Халқ банки Сирдарё вилоят филиалининг ишончли вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Тўлов ва аризаларни қабул қилиш, эълон чоп этилган кундан бошлаб қабул қилинади, охириги муддати: Бир кун қолганда тўхтатилади.
Аукцион савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Сирдарё вилоят филиалининг ОАТ “Турон” банк ОАЖ Сирдарё вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 2049 3216 8027, МФО: 00368.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳар, Мустақиллик кўчаси 35-уй I-қават, телефон: 235-03-58. Хизматлар лицензияланган: № 004059 2011 йил 18 август

Эълон

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2013 йил 10 октябрь кuni бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очик аукцион савдоларини ўтказидади!
Аукцион савдолари Тошкент ш., Юнусобод тумани, А.Қодирий кўчаси, 2-уйда жойлашган, «ЎЗБЕКИНВЕСТ» ЗИМКС балансидаги 1996 й. и/ч, д/р 01/14800AA, бошланғич нархи 20 517 000 сўм бўлган «СА 3770-20» русумли; Тошкент ш., Чиланзор тумани, Гагарин кўчаси, 66-уйда жойлашган, «OZKITOBSAVDO» ДАК O'QUV-METODOIK KOLLEKTORI «KITOV DURDONASI» ДУК балансидаги 2004 й. и/ч, д/р 0173600AA, бошланғич нархи 6 869 162 сўм бўлган «Нексия», 2004 й. и/ч, д/р 0173800AA, бошланғич нархи 5 105 186 сўм бўлган «Матиз», 2004 й. и/ч, д/р 0173900AA, бошланғич нархи 2 739 350 сўм бўлган «Дамас» русумли; Тошкент ш., Юнусобод тумани, Бодомзор йўли кўчаси, 1-А-уйда жойлашган, Тошкент шаҳар ОББнинг Марказий авария - диспетчерлик хизмати корхонаси балансидаги 1996 й. и/ч, д/р 01/1190AA, бошланғич нархи 5 431 700 сўм бўлган «АВИА-А-31», 1984 й. и/ч, д/р 10AK875, бошланғич нархи 9 960 130 сўм бўлган «ПАЗ-672», 1982 й. и/ч, д/р 10AG698, бошланғич нархи 9 960 130 сўм бўлган «ПАЗ-672», 1987 й. и/ч, д/р 01/769KCA, бошланғич нархи 13 207 645 сўм бўлган «ЗИЛ-431412», 1986 й. и/ч, д/р 01/766KCA, бошланғич нархи 13 207 645 сўм бўлган «ЗИЛ-431412», 1987 й. и/ч, д/р 01/781KCA, бошланғич нархи 8 805 100 сўм бўлган «ЗИЛ-431412ТСВ67», 1984й. и/ч, д/р 10AG702, бошланғич нархи 9 125 921 сўм бўлган «АЗ-52 МПТ-817», 1989 й. и/ч, д/р 10AF780, бошланғич нархи 26 506 444 сўм бўлган «КАМАЗ-53213», русумли автотранспорт ҳамда 1998 й. и/ч, д/р ЕД 24-75, бошланғич нархи 5 315 720 сўм бўлган «ТТЗ-100К-10» русумли трактор, 1996 й. и/ч, д/р ЕЮ 13-25, бошланғич нархи 1 206 240 сўм бўлган «ЗПТС-4 793 А-3» русумли тиркама воситалари қўйилади.

Талабгорлардан буюртмаомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мажбурий эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан икки кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи микдоридagi закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипоттека-банк» Шайхонтохур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.
Савдо фойлибга савдо кунидан бошлаб йилгирма кун муддат ичида олдиротди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули микдори сотиб олиш тўлови микдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, еттишмаётган суммани шартнома тўлулгунча қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.
Мажбурий автотранспорт воситаси юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, унинг бўйича такрорий аукцион савдолари, унинг сотилгунча қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу мол-мулкга қизикши билдирган талабгорлар, унинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-А-уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).
Мурожаат учун алоҳа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.
Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ томонидан 2013 йил 15 август кuni ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси Солиқ коллежи балансидаги д/р 01/365RBA бўлган «Матиз» — 17 400 000 сўмга; Мирзо Улуғбек саноат касб ҳўнар коллежи балансидаги д/р 01/12600AA бўлган «Опель Омега» — 19 300 000 сўмга сотилганига маълум қилинади.

Чилонжидда

Жийдадошлар оиласига кирувчи чилонжидда эрта баҳорда гуллайди. Сентябрь ойида эса гарқ пишади. Мева узок вақт сақланганда ҳам ўзининг шифобахшлигини йўқотмайди.



БИЛАСИЗМИ?

Сайёраимиздаги ҳавоси энг тоза жой Австралиянинг Тасмания оролидир.

Иншоотлар ичидаги ҳаво ташқаридагига қараганда 25 марта ифлосроқ бўлади. Кўпчилик одамлар эса вақтининг 90 фоизини ана шундай иншоотларда ўтказишади.

ТУРФА ОЛАМ

Халқаро кўғирчоқ фестивали

ЖАКАРТА (ИНДОНЕЗИЯ) ШАҲРИДА WAYANG WORLD PUPPET CARNIVAL (WWPC) ДУНЁ КЎҒИРЧОҚЛАРИ ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.



Дельфинлар шахсга айлантирилди

ҲИНДИСТОНДА ДЕЛЬФИНЛАР ИНСОН БЎЛМАГАН ОНГЛИ МАВЖУДОТЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА ТАН ОЛИНДИ.



Бу билан Ҳиндистон биринчилардан бўлиб, китсимонлар оиласига кирувчи дельфинларни онгли мавжудотлар сирасига киритди. Шунга қўра, энди Ҳиндистонда тутқунликда яшаётган дельфинлар иштирокида томошалар ўтказиш ва уларни овлаш қатъиян ман қилинади. Маълумки, дельфинлар сувда яшовчи ақлли суғ эмизувчилар ҳисобланади. Улар бир-бирини худди инсон каби исми билан чақиради. Яъни, улардан таралаётган хуштаксимон товушларнинг бири иккинчисини такрорламайди. Уларнинг тили ўзига хос грамматик асосга эга бўлиб, ўзаро турли хил иборалар орқали хабар алмашишади. Айнан шу хислат дельфинларни инсон бўлмаган онгли мавжудотлар сирасига қўшишга сабаб бўлган.

Зафар МУҲАММАД тайёрлади

Маданият хабарлари

Кўргазмаларда мустақил Ўзбекистон! Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги ҳамда "Обод турмуш йили"га бағишланган "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида жойларда санъат усталари асарларининг кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўргазмалар залида турли авлод ва миллат вакиллари, ёш рассомларнинг 250 дан ортиқ рангтаъсир, графика, ҳайкалтарошлик, амалий санъат асарлари ўрин олган. Экспозицияга қўйилган ижод намуналарида юртимиз табияти манзаралари, шаҳар ва қишлоқлари, тарихий шаҳарларимизнинг меъморий ёдгорликлари, йил фасллари, оила ва турмуш тарзимизнинг айрим қирралари, мумтоз бадий асарлардаги инсон сиймолари, кеча ва кундузнинг турли дақиқалари, ижодкорлар фаолиятидан лавҳалар, маданиятимиз арбоблари портретлари ёрқин бўёқларда меҳр билан ифода этилган. Тошкент фотосуратлар уйида (ТФУ) Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси фотосўзбаси аъзоларининг ижод маҳсуллари намойиш қилинган. Кўргазмада кўп йиллик тажрибага эга ижодкорлар қатори ёшлар ҳам иштирок этмоқда. Кўргазмадан жой олган юзга яқин фотосуратлар ичида ТФУ архивида сақланаётган суратлар ҳам бор.

Х.АБДУНАЗАРОВ

Такдирлаш маросимига оз қолди Энг иқтидорли ва интилувчан ёшларнинг 609 нафари «Келажак овози-2013» республика танлови финалига йўлланма олди. 6-19 сентябрь кунлари танловнинг вилоят босқичи голибларини такдирлаш маросимлари ўтказилади.

Ҳар йили Фонд Форум, "Қамолот" ЁИҲ ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ўтказиладиган «Келажак овози» лойиҳасининг финал босқичи декабрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади. «Келажак овози» иқтидорли ёшлар танлови турли соҳаларда ўз ғояси ва қўбиятларини намойиш эта олган, олдига қўйган улкан мақсадлари сари илдам қадам ташлаётган ёшлар учун мўлжалланган. Хусусан, танловда ёш истеъодлар рақс, вокал, дизайн ва архитектура, веб ишланмалар, бошқарув ва бошқа кўпلىк йўналишларда ўз ижодий иш, ғоя ва лойиҳалари билан иштирок этиш имконига эга. Танлов голибларига халқаро фестивал ва дастурларда иштирок этиш, патент олиш, кўргазмалар ва бошқа ижодий тадбирларни ташкил этишда яқиндан ёрдам кўрсатилади.

FIDE Гран-присининг учинчи босқичи Жорий йилнинг 17 сентябрь — 1 октябрь кунлари пойтахтимизда шахмат бўйича FIDE Гран-присининг учинчи босқич мусобақалари бўлиб ўтади.

Халқаро шахмат федерацияси (FIDE), "Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми" жамғармаси ҳамда Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳамкорлигида ташкил этиладиган мазкур мусобақада дунёнинг 12 нафар энг кучли шахматчи хотин-қизлари голиблик учун баҳс олиб борадилар. Тошкентда ўтказиладиган турнирнинг мукофот жамғармаси 60.000 еврони ташкил этади. Мусобақа голиби 10.000 евро миқдорда мукофотга ҳамда 120 очко+40 бонус очколарига эга бўлади. Хотин-қизлар ўртасидаги FIDE Гран-При мусобақалари олти босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир иштирокчи (жами 18 нафар) тўрт босқичда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Барча босқич мусобақаларининг якунларига қўра энг юқори очкога эга спортчи жаҳон тожи учун кураши давом эттиради.

З. МУҲАММАД

Анъаналар давом этмоқда



Миллий меъморчилик санъати

унда уста меъморларнинг меҳри ва қалб-қўри мужассам

Халқимизнинг бой ва бетакор маданий, маънавий, ахлоқий ҳамда миллий анъаналарига таянган ҳолда фуқароларни миллий гуруҳ ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шунингдек, кўп асрлик анъана ва урф-одатларни сақлаб қолиш мақсадида партия халқимизнинг тарихий меросини чуқур ўрганиш ва эришилган ютуқларини улгайиб келаятган авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларда миллий тарих ва халқ анъаналарига нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини уйғотишни долзарб деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасидан

Эндигина беш ёшга тўлган ўғлимга "Қатта бўлсанг, ким бўласан?", деб берган саволимга, "Сизга осмон билан баробар уйлар қуриб бераман", деб жавоб қайтарганида юзларимга беихтиёр табассум югурди. Ҳар гал уни пойтахт кўчаларида сайр қилдиран эканман, осмонўпар биноларни кўриб ҳаяжонга тушгани қалбимни гуруҳ ва ифтихорга тўлдирди. Жажжи болакайнинг мурғак қалбини забт этиб, юксак орзулар сари ундаган дориломон замонда яшаётганимизга шукр қиламан.

Дарҳақиқат, бугун юртимизнинг қайси ғўшасига борманг, улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишларини кўриб кўзингиз қувнади. Кўпلىк мухташам бинолар, янги уй-жойлар, замонавий лицей ва коллежлар, спорт иншоотлари, кенг ва раван йўللар, сўлим боғу роғлар, қўрқам фавворалар қуриляётгани халқимизнинг бунёдкорлик фазилати ва истиклол берган мислизи имкониятлардан далolat беради. Бу янгилиш ва ўзгаришларнинг ҳар бири ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Биз тарихий ва маънавий аҳамиятга эга бўлган меъморий ёдгорлик мажмуаларини барпо этиш соҳасида амалга ошириляётган ишлар, хусусан, ўзбек миллий меъморчилиги ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Таъкидлаш жоизки, юртимиз ўзининг қадимий ва бой маданияти билан дунё халқларини ҳақиқатан ҳам ўзига жалб қилиб келмоқда. Халқимизнинг бетакор маданияти тарихига назар ташляйдиган бўлсак, миллий санъати билан дурдоналар орасида меъморчилик намуналари алоҳида ўрин тутди. Бугунги кунда шарқ меъморчилиги санъатининг ҳақиқий мўъжизаси сифатида Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз сингари бутун дунёга маълум машҳур шаҳарларимиз кўркіга-кўрк бағишлаб келаятган ўлмас тарихий обидаларни кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунларидан меъморчилик санъати ривожига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбарининг ғоя ва ташаббуслари билан бу соҳа қайта тикланиб, янада юксак тараққиёт босқичига кўтарилмоқда. Бугун юртимизнинг турли ҳудудларида қад ростлаган меъморий ёдгорлик мажмуаларини

кузатар эканмиз, қисқа вақт ичида бу жаҳада асрларга татигулик ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўламиз.

"Бизнинг монументал санъат соҳасида амалга оширган яна бир улкан ишимиз табаррук заминимизда туғилиб вояга етган ва мангу ором толган буюк азиз авлиёларимиз хотирасига ёдгорлик мажмуаларини барпо этганимизда намобён бўлди. Жумладан, Бухорода Абдуллоҳқўли Фихруддиний ва Баҳроуддин Нақшбанд, Самарқандда Имом Бухорий ва Имом Мотуридий, Марғилонда Бурхониддин Марғилоний, Тошкент шаҳрида Ҳазрати Имом сингари ёдгорлик мажмуаларини яратди. Том маънода муқаддас зиёратгоҳларга айланган бундай мажмуалар маънавий оламимизни юксалтиришга улкан хисса бўлиб қўшилди, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади", деб ёзилган эди Президентимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарига.

Истиклол йилларида бунёд этилган иншоот, ёдгорлик мажмуалари, энг аввало, халқимизнинг миллий руҳи ва табиғати, ҳаётий қарашлари ва орзу-умидларига, иймон-этиқодига мос равишда, ҳар қайси ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларига ҳамоҳанг тарзда барпо этилмоқда. Мазкур мухташам масканларни бунёд этишда халқимизнинг миллий анъаналарини, меъморчилик санъатимизнинг ўзига хос ва мос услуби, нақшу зийнатларидан, шунингдек, замонавий қурилишнинг илгорутиқларидан фойдаланилмоқда. Шу сабабли, мамлакатимизнинг турли вилоят ва шаҳарларида бунёд этилган бетакор ёдгорлик мажмуалари нафақат хамюртларимиз, балки хорижлик меҳмонларни ҳам ҳайратга солмоқда.

— Алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари мамлакатимизда меъморий ёдгорлик мажмуаларини барпо этиш ва ҳар бир йилки мажмуанинг меъморий лойиҳасини яратиш ва қурилиш ишларига бевосита бошқош бўлмоқдалар, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент архитектура ва қурилиш институти профессори, меъморчилик фан-



лари доктори Тўлқиной Кодирова. — Мазкур ёдгорлик мажмуалари бугун ўзининг миллий аҳамиятга эга эканлиги билан ҳар бир юртдошимиз қалбидан чуқур жой эгалламоқда. Улуғ аждодларимизга кўрсатилган юксак эҳтиром, аввало, ўзлгимизни англадорлик ҳақида қандай буюк зотларнинг ворислари эканлигимизни, айнан истиклол туйғулари асрий орзуларимизни ушлаганини, бой маънавий меросимизга қайта эга бўлганимизни ва унга ҳар томонлама муносиб бўлишимиз зарурлигини чуқур англаб етишга замин яратди.

Миллий меъморчиликнинг назик сирлари билан замонавий архитектуранинг уйғунлаштирилган ҳолда шаҳарсозлик санъатида акс эттириш ва уни ёш авлодга пухта ўргатиш биз соҳа мутахасисларининг бурчимиз ҳисобланади, — давом этади суҳбатдошимиз. — Боиси, йилдан-йилга шаҳарсозлик маданияти ва санъатида миллий меъморчилик йўналишига талаб ва эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу йўналишда қад ростлаган иншоотлар ўзининг ҳақиқий миллий қиёфаси билан шаҳарларимиз кўркіга кўрк бағишлямоқда. Ушбу масъулиятли вазифани амалга ошириш бугун институтига ҳар бир устоз-мураббийнинг ҳаётий шиорига айланган. Талабаларга дарс бериш жараёнида ёшларнинг бу йўналишга бўлган қизиқиши, меҳри ва иштиёқини кўриб, келажакги буюк Ўзбекистоннинг эртанги қиёфасини тасаввур қиламан. Бу эзу ҳаёл мени янада изланишга, ёшларга пухта билим беришга ундайди.

Таъкидлаш жоизки, миллий меъморчилик санъати ривожига кўрсатилган эътибор ёш авлодни баркамол қилиб вояга ет-

казиш, уларни миллий қадрият ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида меъморчилик санъатига берилган эътибор миллионлаб ёшларни улкан бунёдкорлик ишларига чорлямоқда. Истеъодли ёшларга ўз иқтидор ва истеъодини рўёбга чиқаришга қаратилган кўпلىк танловлар, кўргазмалар ташкил этилмоқда. Бу соҳани замон талаблари даражасида ривожлантириш, меъморлар малакасини ошириш, ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш ва халқаро алоқаларни йўлга қўйиш бўйича кенг қўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугун Ўзбекистон улкан янгилиш ва бунёдкорлик диёрига айланмоқда. Замонавий иншоотлар билан бир қаторда тубдан таъмирланган меъморий ёдгорликлар шаҳарлар қиёфасига ўзгача салобат ва кўрк бағишлямоқда. Теурийлар тарихи давлат музейи, Имом Бухорий, "Шаҳидлар хотираси", Бурхониддин Марғилоний, Имом Мотуридий, Ҳаким Термизий, Баҳроуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуалари, Абдуллоҳқўли Фихруддиний қадам-қадам, "Ҳазрати Имом" меъморий мажмуаси, Шоҳи Зинда мажмуаси, Кўкғўлмас обидаси, "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи ана шундай бунёдкорлик ишлари самарасидир.

Шоҳида ДАМАНОВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

Анжуман

Маҳаллалар обод бўлмоқда

Юртимизнинг қутлуғ тўйини ҳар бир соҳа ўзининг эришган янгидан-янги ютуқлари билан қутиб олди. Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида омма учун ўтказилаятган кенг камровли тадбирлар ҳам бу фикримизни тасдиқляйди. Ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан "Маҳалла институти янада такомиллаштириш борасида белгиланган чора-тадбирлар, эришилган натижа ва муаммолар" мавзусида бўлиб ўтди.

Анжуманда таъкидлангандек, жорий йил-

нинг ўтган даври мобайнида "Маҳалла" фонди томонидан 240 та фуқаролар йиғини биносидан 49 таси капитал таъмирланди, 22 таси реконструкция қилинди. 712 та маҳалла компьютер жамланмаси билан таъминланди, 749 тасининг мебель жиҳозлари янгиланди, 40 та яқин замонавий маҳалла гузарлари қурилиши билан боғлиқ ишлар якунига етказилмоқда. Намунали маҳаллани шакллантириш бўйича мезон ва тавсиялар тартиби ишлаб чиқилди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 700 га яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари наму-

нали ҳолатга келтирилди. Шунингдек, ёшларнинг ҳар томонлама етуқ инсонлар бўлиб етишилари, таълим олишлари ва спорт билан шуғулланишларига шароит яратиб бериш мақсадида муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида маҳаллаларда жами 134 та болалар майдончалари барпо этилди, 500 тага яқини қайта таъмирланди. Бундан ташқари, жорий йил якунига қадар ҳамкор ташкилотлар билан биргалликда 227 та янги мини футбол, баскетбол, волейбол ва бошқа спорт турларига ихтисослаштирилган спорт майдонларининг қуриб фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. "Маҳалла" фонди ҳамда "Маҳалла зиёси" Республика ўқув-услубий маркази томонидан маҳалла фаолияти учун зарур қўламанлар тарқатилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ